

MUNDARIJA
СОДЕРЖАНИЕ
CONTENT

КИМЁ

Ro`zmetov A.X. - Rux oleatning aralash ligandli kompleks birikmalari haqida 2

БИОЛОГИЯ

Азимов И.Т. Оҳангарон дарёси ҳавзасининг яйлов минтақасида кенг тарқалган ўсимлик жамоаларининг ҳозирги экологик ҳолати ва трансформацияси4
Кутлиев Ж., Сапаева Ф.Р., Ўринова А.А., Шарифов М. Туямўйин сув омборининг тозалик даражасини аниқлашда иштирок этувчи микроорганизмлар8

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Аккужин Д.А., Жуманиязов А., Жуманиязов Ф. Результаты селекционных работ, особенности и востребованность их для Хорезмской области11
Собиров Р.С., Муратов Б.М., Абдурахимов У.Қ., Собиров Ҳ.Р. Хоразм тупроқ-икклим шароитида доривор қалампирялпизни ўстириш технологияси12

ТАРИХ

Абдурасулов А. Открытие первой современной больницы в Хиве14
Жалилов О.Х. Ноёб хазинанинг қалити (очқиҷи)15
Йўлдошев С.В. Марказий Осиё аҳолиси айrim ҳалқ ўйинларининг тарихий илдизлари ва этнолокал хусусиятлари тўғрисида22
Рахимов К.Р. Бухоро тасаввуф мактабининг сарчашмалари 27

Сапарбоева Ш. Муҳаммад Раҳимхон II – Ферузнинг шоирлик фаолияти35
Қурбонова Д. Зардуштийлик динининг пайдо бўлиши ва маънавий ҳаётга таъсири37

ИҚТИСОД

Қаландарова Б. Минтақаларда инвестиция муҳитини яхшилаш ва кичик бизнес субъектлари ташки иқтисодий фаолиятини рағбатлантиришнинг устувор йўналишлари 40

ФИЛОЛОГИЯ

Исмоилов О.- Саодатга элтувчи сўз44

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Абдуллаев М. “Хаттотлик – ҳаётим мазмуни!” ижодий кўргазмаси 46

КИМЁ

RUX OLEATNING ARALASH LIGANDLI KOMPLEKS BIRIKMALARI HAQIDA

Ro`zmetov A.X.- UrDU

Nikotin kislotasi – NK, olefatik, karbon, tiokarbon kislotalarning amidlari, jumladan atsetamid – AA, carbamid – K, tiokarbamid – TK va olein kislotasi anioni metall ionlari bilan kordinatsion birikmalar hosil bo`lishiga yordam beruvchi donor atomlarni o`z ichiga oladi.

Adabiyotlarda ruxning aralash ligandli kompleks birikmalarini to`g`risida ma`lumotlar juda kam. Kompleks birikmalar sintezini amalga oshirish maqsadida biz eng samarali mexanik kimyoviy usuldan foydalandik, chunki bu usul qisqa vaqt ichida yuqori unum bilan kamyob organik erituvchilarsiz turli xil kompleks birikmalarni sintez qilish imkonini beradi.

Boshlang`ich komponentlar o`zaro ta`sirining mexanik kimyoviy jarayoni xona haroratida bir xil kuch va bir xil tezlikda agat xovonchasida jadal aralashtirish orqali o`tkaziladi. Boshlang`ich rux oleati va kislota amidlari hamda nikotin kislotasini 1:1:1 mol nisbatida olinadi. Ushbu aralashmani yaxshilab ezib, har 15 daqiqada muntazam ravishda xavonchani devoriga yopishib qolgan zarrachalar skalpel bilan qirib tushiriladi. Bu jarayonni 10-12 marta takrorlanganda olingan modda o`zgarmas tarkibga ega bo`lib qoladi. Shu usulda quyidagi barcha birikmalar komponentlari olindi.

$Zn(C_{17}H_{33}COO)_2 \cdot AA \cdot NK \cdot 2H_2O$
2,5852 g (0,004 mol) tarkibli birikmani sintezida $Zn(C_{17}H_{33}COO)_2 \cdot H_2O$ tarkibli rux oleati monogidratini 0,004 mol carbamid va nikotin kislotasi bilan agat xovonchada xona haroratida 3 soat mobaynida jadal aralashtirildi.

$Zn(C_{17}H_{33}COO)_2 \cdot AA \cdot NK \cdot 2H_2O$
tarkibli kompleksni sintez qilish uchun 0,004 mol $Zn(C_{17}H_{33}COO)_2 \cdot H_2O$ ni 0,004 mol tiokarbamid va nikotin kislotasi bilan

agat xovonchada 3 soat davomida xona haroratida jadal aralashtirildi.

Metall miqdorini sintez qilingan birikma tahlillarida mavjudligiga¹ asosan olib borildi. Azotni Dyuma² mikrouslubi bo`yicha aniqlandi, uglerod bilan vodorod esa kislorod tokida yoqish orqali o`rganildi. Oltingugurtning miqdori V.G.Schevanov uslubi bo`yicha topildi. (1-jadval)

Sintez qilingan birikmalarning individualligi aniqlash uchun DRON-2,0 moslamasida rentgenogrammalari Cu-antikatod orqali aniqlandi³.

Utilishning IQ-spektrlari “Nicolet” firmasining AVATAR-360 spektrometrida 400-4000 cm^{-1} diapozonida yozib borildi.

Termik tahlil Paulik-Paulik-Erdey⁴ tizimidagi derivatografda 0,2 gramm namuna 10 grad/min tezlik bilan hamda galvanometrlarning sezgirligi T-900, TG-200, DTA, DTG-1/10 normal sharoitda olib borildi. Diametri 10 mm bo`lgan qopqoqsiz korundli tigel ushlagich vazifasini bajardi. Solishtirish uchun etalon sifatida Al_2O_3 dan foydalanildi. Tekisliklararo masofalar hamda atsetamid, carbamid, tiokarbamidlarning nisbiy intensivliklarini oldindan ma`lum bo`lgan metall oleatlarining komplekslari bilan va rux oleatning yangi aralash ligandli komplekslari bilan solishtirish shuni ko`rsatdiki, ular bir-biridan va ularga o`xshash dastlabki birikmalaridan keskin farq qiladilar. Demak, tegishli amidlar va nikotin kislotalarining molekulalarini tutgan rux oleatinining kompleks birikmali individual kristall panjaralarga ega.

Atsetamid, carbamid, tiokarbamid va nikotin kislota erkin molekulalarining

¹ Пришибл П. Комплексоны в химическом анализе. – М.:ИЛ.1960, с.72

² Климова В.А. Основы микрометодов анализа органических соединений. – М.: Химия 1967, с.19

³ Ковба П.М.,Туранов В.К. Рентгенофазовый анализ. М.: МГУ. 1976, с.232

⁴ Paulik F., Paulik Y., Erdeg I., Derivatograph, I Mittelung Ein automatisch registrierender Apparat Zur gleicheitigen Ausguchrund der Differential-ther mogravimetrischen untersuchungen. // Z.Anal. Chem. 1958. V. 160 №4. p.241-250

1-jadval
Rux oleatning aralash ligandli koordinatsion birikmalarining element tahlili natijalari

BIRIKMALAR	Me,%		S,%		N,%		C,%		H,%	
	Topil-di	Hisob-landi	Topi-ldi	Hisob-landi	Topil-di	Hisob-landi	Topil-di	Hisob-landi	Topil-di	Hisob-landi
Zn(C ₁₇ H ₃₃ COO) ₂ •AA•NK•2H ₂ O	7,68	7,73	-	-	3,33	3,31	62,69	62,43	9,48	9,53
Zn(C ₁₇ H ₃₃ COO) ₂ •AA•NK•2H ₂ O	7,69	7,73	-	-	5,01	4,96	61,08	60,94	9,36	9,40
Zn(C ₁₇ H ₃₃ COO) ₂ •H ₂ O	7,54	7,56	3,68	3,71	4,92	4,87	60,34	59,81	9,27	9,22

hamda ularning aralash ligandli kompleks birikmalarini IQ- yutilish spektrlari tahlili shuni ko`rsatdiki, ayrim amidlar va nikotin kislota molekulalarining chastotalari koordinirlangan holatga o'tishi bilan sezilarli darajada o`zgardi. Atsetamid va karbamid spektrlaridagi kompleks birikmalari C=O bog'ining valent tebranish chastotalari mos ravishda 12-30 va 13-22 sm⁻¹ ga kamayadi. Biroq atsetamid va karbamidlarda C-N bog'ining valent tebranish chastotalari tegishlicha 13-25 va 6-16 sm⁻¹ ga oshadi. 730 va 630 sm⁻¹ dagi CS(NH₂)₂ molekulasingning quyi chastotali sohadagi spektrlari kompleks birikma hosil bo'lishi bilan mos ravishda 8-21 va 4-11 sm⁻¹ ga kamayib ketadi.

Aniqlangan spektrdagи chastotalarning o`zgarishlariga asoslanib, tiokarbamid molekulasi oltingugurt atomi orqali rux ioni bilan koordinirlanganligini tushuntirish mumkin. Erkin nikotin kislota molekulalarining spektridagi halqa chastotasi v(halqa) 1596 sm⁻¹ da kuzatildi, kompleks birikmaga o'tganda bu qiymat 11-15 sm⁻¹ ga oshgan. Halqaning tebranishiga mos keluvchi 1026, 701 sm⁻¹ dagi yutilish chiziqlari molekula koordinirlangan holatga o'tganda parchalanadi va yuqori chastotali komponentlar vujudga keladi. Ko`rsatilgan o`zgarishlar nikotin kislotaning markaziy atom bilan piridin halqasidagi azot geteroatomi orqali koordinatsiyalanganligidan dalolat beradi.

Sintez qilingan kompleks birikmalarining termik xususiyatlarini o`rganilishi shuni ko`rsatdiki, kuzatiladigan

endotermik va ekzotermik effektlar, bog'langan suv molekulalarining yo'qotilishi, koordinirlangan atsetamid molekulalarining ajralib chiqishi, karbamid yoki tiokarbamid molekulalarining parchalanishi, termoliz mahsulotlarining yonishi, oleat guruhlarining buzilishi hamda metall oksidlarining hosil bo'lishi bilan tavsiflanadi.

РЕЗЮМЕ

Синтезированы комплексные соединения олеатов цинка, содержащие молекулы никотиновой кислоты и амиды кислот. Установлены состав, индивидуальность, способы координации молекул лигандов и термическое поведение полученных комплексов.

RESUME

The complex combinations of sink oleate which contains nicotine molecules and acid amides were synthesized. The composition, individuality and ways of coordinating of ligand molecules and the thermic actions of the complexes were defined.

БИОЛОГИЯ

УЎТ 581.9.(575- 111)

ОҲАНГАРОН ДАРЁСИ ҲАВЗАСИННИНГ ЯЙЛОВ МИНТАҚАСИДА КЕНГ ТАРҶАЛГАН ЎСИМЛИК ЖАМОАЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Азимов И.Т.- ТДПУ

Ўсимликлар қопламининг ҳозирги экологик ҳолатини ва трансформация даражасини ўрганиш, таҳлил қилиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу боис, биз Оҳангарон ҳавзаси яйлов минтақасида кенг тарҷалган ўсимликлар қопламига қисқача таъриф ва тасниф беришга ҳаракат қилдик.

Оҳангарон дарёси ҳавзасида антропоген ва табиий омиллар таъсирининг барча типлари учрайди. Улар ўсимликлар қопламининг экологик ҳолатига ва трасформациясига сезиларли таъсир кўрсатади.

Оҳангарон ҳавзаси Тянь-Шань тизмасининг жанубий-ғарбий ёнбағирларидағи энг йирик ҳавзалардан (5260 км^2) бири бўлиб, Ўзбекистонда учрайдиган барча минтақалар: чўл (266-500м), адир (500 -1500м), тоғ (1500-2500 м) ва яйлов (2500 – 4062м)лар учраб, уларнинг ҳар бири ўзига хос биоспектрга эга бўлган экосистемадир. Яйлов минтақасининг ўсимлик типларини кўплаб ботаник олимлар қадимдан ўрганиб, турли таъриф, тасниф беришиб, турли масштабда ўсимлик ва яйловлар карталарини тузишган. Бу маълумотларни кўплаб адабиётлардан топиш мумкин (В.П.Дробов, 1956; С.Е.Коровин, 1959, 1963; Е.П.Коровин, 1962; Г.Т.Сидоренко, 1953; Е.М. Демурина, 1972, 1975, 1976; А.Я.Бутков, 1969; З.А.Майлун, 1984, 2002; Н.И.Акжигитова, 1984, 2002; Ў.Алланазарова, Т.Раҳимова, К.Тожибоев ва бошқалар, 2002).

Юқорида кўрсатилган адабиётлар, карталарда яйлов минтақаси ўсимлик типлари республиканинг Тянь-Шань, Тошкент вилояти, Чирчиқ – Оҳангарон ҳавзалари таркибида берилиб, уларга таъриф ва тавсиф беришган.

Аммо, Оҳангарон ҳавзаси ва унинг минтақалари бўйича ўсимлик типлари мустақил ажратиб олиниб, биринчи бор оддий геоботаник тасвирлаш ва аэрокосмик суратлар (АФС, КФС), спутник маълумотларининг компьютер вариантлари маълумотлари, ГИС-географик информацион системадан фойдаланиб, иш олиб борилди.

Юқорида санаб ўтилган адабиётларда юқори тоғ – яйлов минтақасида тарҷалган ўсимлик типларига турлича тавсиф ва таъриф беришган.

А.Я.Бутков (1969) Чирчиқ – Оҳангарон ҳавзаларининг яйлов минтақасини Чотқол ва Курама тоғларининг сув айиргич қисмидан (денгиз саҳидан 2500-2600 м юқорида) ўсимликлар қоплами таркибида кенг тарҷалган 5 типнинг: тоғ умбелляриялари, тоғ чимланган дашти, гиламсифат ўтзор (ковровые лужайники), тоғ ўтлоклари (горные луга) ва трагакантазорлар учрашини кўрсатган. Муаллиф бу типларнинг доминант турларининг ареали, генетик келиб чиқишига кўра Ўрта ер денгизи бариял флористик элементига хос, деган хуносага келганини баён этган.

Биз тадқиқот олиб борган Оҳангарон ҳавзаси яйлов минтақасида ҳам юқорида санаб ўтилган ўсимлик типларининг деярлик барчаси учраши аниқланди. Мониторинг майдончаларда жами 65 та тур рўйхатга олиниб, уларнинг ҳаётий шакллари бўйича тўдаланди (жадвал). Уларнинг тарқалиш чегараси, таркиби, тузилиши кўплаб антропоген омиллар таъсирида чўлланишга (инқирозга учраш) учраб, турли даражада ўзгарганлиги аниқланди.

Тузилган «Ўсимликлар» картасида инқирозга учраган майдонлар индексларда (А.В.С) кўрсатиб берилди.

Оҳангарон ҳавзасида антропоген омилларнинг деярли барча типлари: иирик геологик каръерлар, йўллар, сув омборлари, заводлар таъсири, даражат – буталарни кесиш, доривор, зировор ўсимликларни режасиз териш ва хашак тайёрлаш ишларининг барчаси ўсимлик қопламиининг инқизозига олиб келади.

Ўрганилган ҳавза яйлов минтақаси ўсимлик қопламида энг кенг тарқалган ўсимлик жамоаларидан: шаширзор, шаширзор, бетагазор, юқори тоғ гиламсифат ўтлоқзор, тоғ ўтлоқзорлари ва трагакантли – корольков кирпи ўтзори бўлиб, уларнинг тарқалиш қонуниятлари «Ўсимликлар» картасида кўрсатиб берилди.

Картада бу жамоалар кўпинча серия, уйғун бирликда кўрсатилиб берилган, чунки, картага масштабига қараб 2-5 км² майдон чегараланади, кичик–кичик майдондаги жамоалар уйғун бирлик сифатида (комплексы сочетания) кенг тарқалган бирликлар таркибида кўрсатиб берилади.

Баланд тоғ–яйлов минтақасида 7 та ўсимлик типлари учраши аниқланди ва «Ўсимликлар» картасида уларнинг тарқалиши ва фитоценотик таркиби кўрсатиб берилди.

Оҳангарон ҳавзаси яйлов минтақасида учрайдиган ўсимлик типлари

-Ботқоқ ўтлоқликлари (сазы) – *Sasophyta*.

-Гиламсифат пастбўйли ўтлоқлар – *Cryonanopora*.

-Юқори тоғ ёки субальп ўтлоқликлари – *Cryomesopora*.

-Юқори тоғ криоксеромезофил ярим бутазорлар – *Cryoheromesohemithanisca*.

-Юқори тоғ ксерофил ёки трагакантзорлар – *Cryofriganophyta*.

-Юқори тоғ чимланган дашти – *Cryoxeropoia*.

-Тоғ баланд бўйли ўтзорлар – *Theropoia*.

Бу типлардан ҳавзада кенг тарқалганиларидан юқори тоғ чимланган дашти ва баланд бўйли ўтзорлар бўлиб,

улар асосий яйлов ерларини ташкил қиласидилар.

Баланд тоғ – яйлов минтақасида (2500мдан юқори) учрайдиган ўсимлик жамоалардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

-Трагакантли–Корольков кирпи ўтзори (*Acantholimon korolkovii*, *Lagotis korolkovii*, *Geranium regelii*, *Astragalus lasiosemius*);

-Бетагали–аралаш ўтли–Корольков кирпи ўтзори (*Acantholimon korolkovii*, *Cousinia bonvolotii*, *Poa relaxa*, *Puccinella subspicata*, *Artemisia lemanniana*, *Festuca valesiaca*) айrim жойларида булоқ бўйларида паст бўйли Альп ўтлоқлари аралаш (*Polygonum hyssaricum*, *Puccinella subspicata*, *Geranium regelii*);

-Лигулярияли–шаирзор (*Ferula tenuisecta*, *Ligularia alpigena*) булоқ атрофларидаги ботқоқ ерларда паст бўйли Альп ўтлоқлари аралашган (*Carex orbicularis*, *Allium monadelphum*, *Ranunculus rufosepalus*, *Poa relaxa*);

-Аралаш ўтли–шаирли–шаширзор (*Prangos pabularia*, *Ferula tenuisecta*, *Poa relaxa*, *Thermopsis dolichocarpa*, *Srachyopsis oblongata*, *Potentilla desertorum*, *Ligularia alpigena*);

-Аралаш ўтли–шувоқли–бетагазор (*Festuca valesiaca*, *Aremisia lemanniana*, *Arenaria griffithii*, *Geranium collinum*, *Cousinia angrenii*, *C.bonvolotii*) айrim жойларида кирпи ўтзор аралаш (*Acantholimon korolkovii*, *Ligularia thomsonii*, *Ranunculus rubrocalyx*);

-Лаготисли–айrim жойларида лигулярия аралаш–бетагазор (*Festuca valesiaca*, *Lagotis korolkovii*, *Ligularia thomsonii*, *L.aipigena*, *Polygonum hissaricum*);

-Аралаш ва бошоқ ўтли таранзор (*Polygonum hissaricum*, *Festuca valesiaca*, *Puccinella subspicata*, *Geranium regelii*);

-Бетагали–кирпи ўтли–тиконёстиқчазор (*Onobrychys echidna*, *Acantholimon korolkovii*, *Festuca valesiaca*).

Бетагазор формациясида учраган ўсимликлар рўйхати

Ассоциациялар	Аралаш ўтли лаготисли бетагазор	Пучинеллали карракли бетагазор	Карракли таранли бетагазор	Лигулярияли аралаш ўтли бетагазор	Шаирли- шаширили бетагазор
Буталар ва бутачалар					
<i>Astragalus lasiosemius</i>	Sp ₁	-	-	-	Sol
<i>Lonicera seravschanica</i>	-	-	-	-	Sol
<i>Onobrychis echidna</i>	Sp ₁	-	Sp ₁	-	-
<i>Potentilla orientalis.</i>	Sp ₁	Sp ₁	-	-	-
<i>Scutellaria cordifrons</i>	Sp ₁	-	-	-	Sp ₁
Чала бутачалар					
<i>Artemisia lemanniana</i>	Sp ₂	Sp ₁	-	Sol	Sol
<i>A. persica</i>	Sp ₂	Sol	-	Sol	-
Кўп йиллик ўтлар					
<i>Achilla millefolium</i>	Sp ₁	-	Sp ₁	-	-
<i>Agropyron trichophorum</i>	-	Sp ₁	Sol	Sol	-
<i>Allium boszczewski</i>	-	Sol	Sol	-	-
<i>A. oreophilum</i>	-	-	-	Sol	Sol
<i>Artemisia dracunculus</i>	Sp ₁	Sp ₁	-	Sp ₁	Sp ₁
<i>Arenaria griffirhii</i>	Sp ₁	-	Sp ₁	Sp ₁	Sol
<i>Astragalus tirovii</i>	-	Sp ₁	Sol	-	Sp ₁
<i>A.talassicus</i>	-	Sp ₁	Sol	-	Sp ₁
<i>Asyneuma trautvetteri</i>	-	-	Sp ₁	-	-
<i>Bunium persicum</i>	Sol	Sp ₁	-	Sp ₁	-
<i>Carex turkestanica</i>	Sp ₁	Sp ₁	-	Sp ₁	Sol
<i>Centaurea squarrosa</i>	Sp ₁	-	Sp ₁	-	Sol
<i>Cicer jacquemontii</i>	Sp ₁	Sp ₁	Sol	-	-
<i>Convolvulus lineatus</i>	-	Sol	-	-	-
<i>Cousinia bonvalotii</i>	-	Sp ₂	Sp ₂	-	Sp ₁
<i>Dianthus subscabridus</i>	-	-	Sp ₁	-	-
<i>Dracocephalum komarovii</i>	-	-	-	Sp ₁	Sol
<i>Elymus tianschanicus</i>	-	Sp ₁	-	-	-
<i>Eremostachys speciosa</i>	-	Sol	-	Sp ₁	-
<i>Erigeron pseudoseravschanicus</i>	-	-	Sp ₁	Sol	-
<i>Festuca valesiaeae</i>	Sp ₃	Cop ₁	Cop ₁	Cop	Sp ₃
<i>Galatella villosula</i>	-	Sol	-	Sp ₁	Sol
<i>Galium pamiralaicum</i>	-	Sp ₁	-	Sol	Sol
<i>Wagea minutiflora</i>	-	p ₁	Sp ₁	-	Sol
<i>Geranium regelii</i>	-	Sp ₁	-	Sp ₁	-
<i>Koeleria gracilis</i>	-	Sp ₁	-	Sp ₁	-
<i>Logotis korolkovii</i>	Sp ₃	-	Sp ₁	Sp ₂	-
<i>Ligularia thomsoni</i>	-	-	Sp ₁	Sp ₂	-
<i>Lindelofia tschimganica</i>	-	Sp ₁	-	Sol	-
<i>Melissitus popovii</i>	Sp ₁	-	-	-	-
<i>Oxytropis arassanica</i>	-	Sp ₂	-	-	-
<i>O. submutica</i>	-	-	-	-	Sp ₁
<i>Pedicularis korolkovii</i>	Sp ₁	-	Sp ₁	-	-
<i>Phleum phleoides</i>	-	Sp ₁	-	Sp ₁	Sp ₁
<i>Phlomis olgae</i>	Sp ₁	Sp ₁	-	Sp ₁	-
<i>Poa angustifolia</i>	Sp ₁	Sp ₁	-	Sp ₁	-
<i>P. litvinoviana</i>	-	Sp ₁	-	Sp ₁	-
<i>P. hissaricum</i>	SP ₁	-	Sp ₁	-	-
<i>P. rupestre</i>	-	-	Sp ₁	-	-
<i>Prangos pabularia</i>	-	Sp ₃	-	-	Sp ₁
<i>Pyrethrum pyrethroides</i>	-	-	-	Sp ₁	-
<i>Puccinella subspcata</i>	-	-	Sp ₁	-	Sp ₁
<i>Taraxacum brevrostae</i>	-	-	Sp ₁	Sol	-

<i>Tulipa dubia</i>	-	-	Sp ₁	Sol	-
<i>Puccineleia subspicata</i>	-	Sp ₂	-	Sp ₁	-
<i>Ziziphora pamiralaica</i>	Sp ₁	-	-	Sp ₁	-
<i>Z. pedicellata</i>	Sp ₁	-	-	Sp ₁	-
Эфемероидлар					
<i>Carex pachystylis</i>	Sp ₁	Sp ₁	-	-	-
<i>Colchicum luteum</i>	-	-	Sp ₁	Sp ₁	-
<i>Gagea minutiflora</i>	-	-	Sp ₁	Sol	-
<i>Gentiana olivieri</i>	-	-	Sp ₁	Sol	-
<i>Poa bulbosa</i>	Sp ₁	Sp ₁	Sp ₁	-	Sp ₁
<i>P. litvinoviana</i>	-	-	SP ₁	-	-
Бир йиллик ўтлар					
<i>Aegilops triuncialis</i>	Sp ₁	Sp ₁	Sp ₁	-	-
<i>Arenaria leptoclada</i>	-	-	Sp ₁	Sol	-
<i>A.serpillifolia</i>	-	Sol	-	Sp ₁	-
<i>Veronica campylopoda</i>	-	-	Sp ₁	-	Sp ₁

Оҳангарон ҳавзаси бир бутун ҳолда ажратиб олиниб, унинг ўсимликлар қопламиининг минтақалар бўйича тарқалиш қонуниятларини, типологик тузилиши, фитоценотик хилма-хиллиги ва уларнинг динамик ҳолати, пайхонланиш (инқирозга учраши) даражаси ва пайхонловчи антропоген омилларнинг типларини аниqlаш ҳозирги кунда энг долзарб муаммодир.

Ўрганилган ҳавзанинг ялов минтақасида 7та ўсимлик типлари учраши ва уларнинг фитоценотик хилма-хиллигини анъанавий геоботаник ва хариталаш методларининг уйғун бирлигига тадқиқотлар (2000 - 2010 йилларда) олиб борилиб, баҳоланди.

Ўрганилган ҳавзанинг ялов минтақаси ўсимлик жамоалари динамик ҳолатининг тўлиқ рўйхатини кўрсатиш, улардан самарали фойдаланиш, муҳофаза талаб жойларини реконструкция қилиш ишларини режалаштириш ва ҳудуд генофондини асрашда илмий хужжат бўла олади. Бундай тадқиқот ишларидан чиқарилган хулосалар ялов ўсимликларидан чорвачиликни ривожлантириш ишларини режалаштиришда илмий хужжат сифатида фойдаланишда катта аҳамиятга эгадир.

РЕЗЮМЕ

Учитывая ботанико-географические и биоэкологические особенности эдификаторов растительных сообществ в высокогорном поясе Ахангаранского

бассейна, выявлены 7 типов растительности (-сазы или болотистые луга, - низкотравные ковровые луга, - высокогорные, или субальпийские луга, -криоксеромезофильная полукустарничковая растительность высокогорий, - нагорно-ксерофильная растительность, высокогорные дерновинистые степи, -горные высокотравные луга).

Выявлены флористический состав, фитоценотическое разнообразие и степень их антропогенной нарушенности. Эти данные могут быть использованы планирующими органами при заготовке пастбищных и растительных ресурсов, реконструкции, разработке, определении оптимальных приемов борьбы с опустыниванием и мер по охране биологического разнообразия и генофонда высокогорного пояса Ахангаранского бассейна.

RESUME

Taking into account phytologic - geographical and bio-ecological features of edificators of vegetation in a high-mountainous zone of Akhangaran basin (- marshy meadows, - low - grassed carpet meadows, high-mountainous, or sub-alpine meadows, - crioxeromesophile suffrutescent vegetation of high-mountain, - highland xerophilous vegetation, high-mountainous of turf steppe, mountain of high grassed meadow) 7 types of vegetation are educed.

The structure of flora, phytocenotic variety and level of anthropogenic

disturbance are revealed. These data can be used by planning authorities at preparation of pasturable and vegetative resources, reconstruction of development, definition of optimum receptions of struggle against the degradation and measures on protection of biological varieties and genofond of a high-mountainous zone of Akhangaran basin.

УЎТ 576.851.628.26

ТУЯМЎЙИН СУВ ОМБОРИНИНГ ТОЗАЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ МИКРООРГАНИЗМЛАР

**Кутлиев Ж., Сапаева Ф.Р.,
Ўринова А.А., Шарифов М. - Ўз РФА
Микробиология институти,
Хоразм Маъмун академияси**

Сув ҳавзаларини турли ифлосланышлардан ҳимоя қилиш ва сув ресурсларини сақлаш барча давлатларнинг, айниқса, сув танқислиги яққол сезиладиган давлатларнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Сув ҳавзаларига саноат корхоналари томонидан ташланаётган маълум миқдордаги заарли моддалар сувни ифлосланишига олиб келади. Шу нарса ҳисоблаб чиқилганки, ўртacha бир кубометр саноат оқова суви бир неча юз кубометр тоза сувни яроқсиз ҳолга келтиради. Бу кўрсаткичлар ҳозирги кунда жадал ривожланаётган индустрания шароитида қандай оқибатларга олиб келиши ўз-ўзидан маълум.

Саноат, коммунал ва қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилган сувлар ҳеч қандай тозалаш иншоотларидан ўтмасдан тоза сув ҳавзаларига қўйилади ҳамда уларни ифлослантиради ва сув ҳавзаларини табии ўз-ўзидан тозаланиш хусусиятини камайтиради. Сув ҳавзаларининг ўз-ўзидан тозаланиш хусусиятлари эса чексиз эмас, шунинг учун ҳам унга тушадиган ифлосликлар йўл қўйиладиган чегарадан ортиб кетса, у ҳолда мазкур

сув ҳавзасида тузатиб бўлмас ўзгаришлар содир бўлиши ва ҳатто бу сувлар яроқсиз ҳолга келиб қолиши мумкин.

Сув ҳавзалари асосан мазкур жойга кўнишиб қолган планктон комплекслар, айниқса, бир ҳужайрали организмлар иштирокида органик моддаларни озмикўпми тўла-тўқис минералланиши ҳамда четдан тушган майда ўсимликларнинг нобуд бўлиши ҳисобига сув ҳавзаларида ўз-ўзидан тозаланиш жараёнлари амалга ошади (1).

Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш масаласини ҳал этишда, албатта, сув ҳавзаларидаги микрофлора ва уларнинг сувга бўлган таъсирини ҳисобга олиш зарур. Бундан ташқари, сув ҳавзаларига чиқинди сувлар билан бирга патоген микроорганизмлар тушиб, у эпидемиологик нуқтаи назардан анча хавфли ҳисобланади. Буларнинг барчаси аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, уларни сифатли сув билан таъминлаш мақсадида сув ҳавзаларини мутахассислар томонидан синчковлик билан назорат қилиб туришни тақозо этади.

Сув микробиологияси муаммоси устида иш олиб бораётган кўпгина микробиолог олимларнинг олиб борган илмий тадқиқот ишлари натижасида сув микробиологияси катта ютуқларга эришди. Бу олимлар томонидан кўпгина сув омборлари, кўллар, ҳовузлар ва дарёларнинг сувларида кечадиган микробиологик жараёнлар илмий нуқтаи назардан ўрганилди (3,4,5).

Материал ва тадқиқот усуслари. Олиб борган тадқиқотларимизнинг асосий обьекти Туямўйин сув омбори сувлари ва уларда кечадиган микробиологик жараёнларни ўрганиш ҳисобланади.

Сув омбори сувлари таркибидаги микроорганизмларни ўрганишда сув омборининг марказий қисми, яъни, Амударёнинг пастки верф қисмидан, Султонсанжар пастки ва юқори қирғоқ сувларидан намуналар олинди.

Сув таркибидаги сапропит бактерияларнинг умумий сонини аниқлашда

олинган сув намуналарини бир неча марта суюлтириб, балиқ пептонли ва гўшт пептонли агарда ҳамда суюқ электив мухитида экиш усулидан фойдаланилди. Экилган микроорганизмлар 28^0C ҳароратда термостатда 48 соат, ичак таёқчалари бактериялари эса 37^0C ҳароратда 24 соат мобайнида ўстирилди.

Сув омбори сувларида учрайдиган микроорганизмларнинг сон ва сифат таркибини аниқлашда микробиологияда қабул қилинган классик усуллардан фойдаланилди (2).

Тадқиқотлар ва уларнинг мұхокамаси. Туямўйин сув омбори Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасини ичимлик суви билан таъминлайдиган Ўзбекистоннинг энг катта қийматга эга бўлган сув заҳираларидан бири ҳисобланади.

Туямўйин сув омбори сув ҳавзаларида кечадиган ўз-ўзини тозалаш жараёнларида микроорганизм тўпламлари, бундан ташқари, кўпгина алоҳида бактерия турлари, замбуруғлар, сув ўтлари, содда ҳайвонлар ягона биоценоз сифатида бир-бирига боғлиқ ҳолда иштирок этади. Бунда юқори регенерация ҳисобида асосий вазифани бактериялар бажаради (3).

Туямўйин сув омбори сувлари таркибидаги азот ва углерод моддаларини айланишида қатнашувчи индикатор микроорганизмлар ўрганилди. Бу микроорганизмлар сувнинг тозалик даражасини кўрсатувчи омиллар ҳисобланади.

Тадқиқот ишларини олиб бориш учун Туямўйин сув омбори сувларининг очик қисмларидан юқори горизонтда (10-15 см чуқурлиқда) стерилланган идишларга микроорганизмларнинг сони ва сифатини аниқлаш мақсадида сув намуналари олинди. Намуналарни олишда ҳаво ҳарорати, сув ҳарорати ва унинг тиниқлик даражаси, мухит, pH каби экологик омилларга алоҳида эътибор қаратилди.

Туямўйин сув омбори сувларида йилнинг баҳор фаслида, яъни, апрел

ойида олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатди, ҳаво ҳарорати 18^0C дан 33^0C гача ва сув ҳарорати эса 15^0C дан 31^0C гача, сувдаги pH мухит 7,0 дан 8,0 гача кўтариладар экан. Сувнинг тиниқлик даражаси сув омборининг барча қисмларида юқори кўрсаткичда эканлиги кузатилди.

Туямўйин сув омборида олиб борилган илмий тадқиқотларимиз асосида олинган микробиологик маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатди, Амударёнинг пастки верф қисмидан олинган сув намунаси кўрсаткичининг лойқалик даражаси $305,9 \text{ mg/l}$, умумий қаттиқлик даражаси $9,6 \text{ mg экв/dm}^3$, хлоридлар – 312 mg/l , сульфатлар – 330 mg/l , сапрофит ва ичак гурухи бактерияларнинг умумий миқдори ҳам юқори эканлиги маълум бўлди (сапрофитлар – $13,6 \times 10 \text{ хуж/ml}$, ичак бактериялар гурухи – $1,6 \times 10 \text{ хуж/ml}$). Бундан ташқари асосий экологик омиллардан бири бўлган сув ҳарорати $15^0\text{C} - 22^0\text{C}$ даражада ва pH – 7,0 – 8,0 оралиғида бўлиб, микроорганизмларнинг ривожланиши учун шароит етарли даражада бўлади.

Туямўйин сув омборининг Капарас ва Султон Санжар бўлимларининг юқори қирғоғидан олинган сув намуналарининг микробиологик ва физик-кимёвий таҳлиллари натижасидаги маълумотлар 1,2 жадвалларда батафсил келтирилган.

Олиб борилган микробиологик ва физик-кимёвий таҳлиллар асосидаги умумий хулоса шундан иборатки, Туямўйин сув омборига тушаётган сувларнинг тозалик даражаси йилнинг баҳор фаслида меъёрида эканлигини кўрсатди.

Адабиётлар рўйхати

1. Қутлиев Ж. “Оқова сувларни тозалашда биологик ҳовузларнинг хизмати”. Тошкент, Фан, 1989 й, 37 б.
2. Практикум по микробиологии. Учебн. пособие для студ. высших учебных заведений. Под. ред. А.И.Нетрусова, М. «Академия», 2005, с.608.

1-жадвал

**Туямўйин сув омбори сувларининг физик - кимёвий таркиби
(2012 йил, апрель)**

№	Сув намунаси олинган жой	Лойқалик даражаси (мг/л)	Умумий қаттиқлик (мг экв/л)	Хлоридлар миқдори (мг/л)	Сульфат миқдори (мг/л)
1	Амударёнинг пастки верфи	305,9	9,6	312,0	330,0
2	Капарас водовод	8,0	9,7	316,0	320,0
3	Капарас	-	9,8	312,0	330,0
4	Юқори гидроузел	-	9,7	316,0	320,0
5	Султон Санжар пастки қирғоқ	-	9,8	312,0	330,0
6	Султон Санжар юқори қирғоқ	-	9,9	316,0	330,0

2-жадвал

**Туямўйин сув омборида учрайдиган микроорганизмларнинг миқдори
(2012 йил, апрель)**

№	Сув намунаси олинган жой	Сувдаги бактериялар миқдори (хуж/мл)		Сувнинг ҳарорати, °C	Сувдаги pH мухит
		Сапрофит лар	Ичак бактериялари		
1	Амударёнинг пастки верфи	13,6 x 10	1,6 x 10	15,0	7,0
2	Капарас водовод	15,5 x 10	2,2 x 10	22,0	7,0
3	Капарас	0,4 x 10	1,9 x 10	17,0	8,0
4	Юқори гидроузел	3,2 x 10	2,0 x 10	17,0	7,5
5	Султон Санжар пастки қирғоқ	11,2 x 10	0,7 x 10	16,0	7,5
6	Султон Санжар юқори қирғоқ	0,8 x 10	0,2 x 10	16,0	7,5

3. Кутлиев Дж., Мавлянова М.И., Уринова А.А. Изучение роли индикаторных форм микроорганизмов, определяющих качество воды Чарвакского водохранилища. Республикаанская научно-практическая конференция, Ташкент, 2006, с.137.

4. Драпкова В.Г., Капустина Л.Л. Значение микробиологических исследований в системе комплексного изучения Ладожского озера. Материалы 2-Байкальского микробиологического Симпозиума “Микроорганизмы в экосистемах озер, рек, водохранилищ”. Иркутск, 10-15 сентября 2007г., с.69-70.

5. Виноградова Т.П. О формировании микробиологического режима Ангарских

водохранилищ. Материалы 2-Байкальского микробиологического Симпозиума “Микроорганизмы в экосистемах озер, рек, водохранилищ”. Иркутск, 10-15 сентября, 2007, с.39-40.

РЕЗЮМЕ

В статье приведены данные о микроорганизмах, применяемых для очистки воды Туямуюнского водохранилища.

RESUME

In the article information was given about the microorganisms, which are applied in water treatment in Tuyamuyun water reservoir.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

РЕЗУЛЬТАТЫ СЕЛЕКЦИОННЫХ РАБОТ, ОСОБЕННОСТИ И ВОСТРЕБОВАННОСТЬ ИХ ДЛЯ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

**Аккужин Д.А., Жуманиязов А.,
Жуманиязов Ф. - Хорезмская академия
Маъмуна**

Сорт является важнейшим средством интенсификации хлопководства и при равных затратах получения с единицы площади более высоких урожаев.

Современные селекционные сорта хлопчатника представляют собой выровненную популяцию, которые отличаются в конкретных условиях возделывания определенными хозяйственными и биологическими признаками.

Проблема выведения и внедрения в производство скороспелых, высокопродуктивных сортов хлопчатника, сочетающих качественные показатели волокна, продолжает оставаться актуальной и по сей день. Особо актуальна эта проблема в условиях Хорезма - северного региона хлопководства, где наряду с почвенным засолением, дефицитом пресной поливной влаги имеет место положение, когда сумма эффективных температур необходимых для хлопчатника в течение вегетации оставляет желать лучшего.

Проблема создания адаптивных сортов, способных противостоять и проявлять свои потенциальные возможности в конкретных экстремальных факторах среды, не менее важна и актуальна.

Ведение селекционных и элитно-семеноводческих работ в определенной местности позволяет вести отбор лучших форм – генотипов, приспособленных к конкретным условиям возделывания, т.к. сорт в определенной почвенно-климатической местности может изменить в нужном направлении

характер проявления признаков при проведении отбора в этих условиях.

Создание сортов со сбалансированным генотипом является одним из главных задач в селекции. Созданный такой сорт в конкретной местности будет иметь широкую экологическую пластичность к новым почвенно-климатическим условиям.

Метод индивидуального отбора, основанный и разработанный Иогансеном, позволил выделить нам из исходной некогда гибридной популяции сорта Ан-516 ДВ новый сорт РАХМАД и прошедший доработку Л-125, как сорт ДАРХАМ.

Научная обоснованность используемых в селекции положений послужила нам основанием для проведения в этом регионе селекционных работ, учитывая трактовку о том, что в каждом регионе должен быть свой местный сорт, приспособленный к этим условиям.

Основой для проведения этих работ, носящих созидательный характер, явилось выделение и сорта Ан-516 ДВ индивидуального отбора, отличающегося от своего родоначальника темпами созревания и способностью конкурировать по комплексу хозяйствственно – ценных признаков. Эти особенности получили подтверждение при проверке по потомству. Пройдя конкурсные сортоиспытания, эта форма начала именоваться как сорт РАХМАД и была рекомендована для испытания в ГСУ, которая с 2012 года испытывается в соответствующих точках согласно разнарядкам МС и ВХ РУз.

Испытания позволили сделать вывод об адаптивности сорта РАХМАД к условиям Хорезмской области. Нет необходимости доказательств экономической целесообразности и перспективности возделывания пластичных сортов.

В результате многолетних селекционно-семеноводческих работ в условиях экспериментальной базы Хорезмской академии Маъмуна выделена линия Л-125.

По результатам конкурсного сортоиспытания Л-125 (2009-2011 гг.) рекомендован для передачи его в инспектуру по испытанию сельскохозяйственных культур. Эта линия получила название как сорт ДАРХАМ. На первом этапе Государственных испытаний сорта идет проверка однородности в системе Грунтконтроля ГСУ РУз. (2012 г.).

В дальнейшем, при получении положительных результатов, появится возможность испытываться в Госсортотестах РУз, согласно разнарядки МС и ВХ РУз.

Следует отметить, что в сорте ДАРХАМ удачно сочетаются относительный урожайный потенциал, темпы созревания, высокий выход волокна при оптимальной массе 1000 семян.

Полученные на примере сортов РАХМАД и ДАРХАМ результаты свидетельствуют о созидательной силе фактора отбора при проведении селекционных работ. В настоящее время по вышеназванным сортам ведутся работы, носящие стабилизирующий характер, именуемая как элитно-семеноводческая по выше названным сортам.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Хоразм вилоятида селекция ишларининг натижалари, хусусиятлари ва уларга бўлган талаб ҳақида сўз юритилган.

RESUME

This article consists of the results and characteristics of selection researches and its importance in Khorezm region.

УЎТ 633.1: 615.32:582.738

ХОРАЗМ ТУПРОҚ - ИҶЛИМ ШАРОИТИДА ДОРИВОР ҚАЛАМПИРЯЛПИЗНИ ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**Собиров Р.С., Муратов Б.М.,
Абдурахимов У.Қ., Собиров Ҳ.Р. -
Хоразм Маъмун академияси**

Маълумки, Хоразм воҳаси қадим замонлардан сунъий суғоришга асосланган дехкончилик маданиятига эга бўлиб, иҷлими кескин ўзгарувчан ва ўта бекарор. Воҳанинг барча ерлари турли даражада шўрланган, ёғингарчилик камлиги ва кундуз кунлари ҳаво нисбий намлигининг пастлиги сабабли шифобаҳш ўсимликларнинг баъзи турларини факат сунъий суғориш йўли билан етишириш мумкин. Шу боисдан, Хоразм воҳаси шароитида доривор ўсимликларни ўстириш, бошқа жойлардан ургуни келтириб, шу иҷлимга кўнитириш ўта муҳим муаммодир, чунки, Хоразм тупроғи турли даражада шўрланган бўлиб, ҳар қандай гиёҳ ҳам ўсавермайди. Шўрланган тупрокларда доривор ўсимликларни ўстириш технологиясини яратиш, ўсимликларни иҷлимга мослаштириш, профилактик доривор перепаратлар учун хом-ашё базасини яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Қалампирялпиз – *Mentha piperita L.*, ясноткадошлилар – Lamiaceae оиласига киради. У бўйи 30-100 см га етадиган кўп ийллик ўт ўсимлик бўлиб, пояси бир нечта, тик ўсуви, тўрт қиррали, туксиз, барглари оддий чўзиқ тухумсимон, ўткир учли қирраси ўткир арасимон. Барглар поядা қисқа бандлар билан қарама-карши жойлашган, гуллари майда, пушти, оч бинафша, кизил бинафша рангда бўлиб, поя ва шохлар учida ғуж жойлашган, бошоқсимон гул тўплами ҳосил қиласди.

Географик тарқалиши. Қалампирялпиз ёввойи ҳолда учрамайди. Уни инглиз олимлари томонидан *Mentha*

arvensis (мята полевая) – дала ялпизи ва *Mentha asiatica Bortes* (мята азиатская)– Осиё ялпиз турларини чатиштириш эвазига яратилган.

Қалампирялпизнинг икки хил тури бор: қора қалампирялпиз ва оқ қалампирялпиз. Доривор ва эфирмойли ўсимлик сифатида қора қалампирялпиз тури ўстирилади, оқ тури эса парфюмерия саноатида кўллаш учун ўстирилади.

Украина селекционерлари қалампирялпизнинг кўп эфир мойи ва ментол берадиган серҳосил 541-сонли, Прилукская-6, Краснодарская-2 янги навларини етиштирдилар. Бу навлар совуққа чидамли бўлиб, замбуруғлар билан деярли касалланмайди.

Ўстириш технологияси. Хоразм Маъмун академияси экспериментал тажриба даласида қалампирялпиз уруғи 2011 йилнинг кеч кузидаги экилди. Қалампирялпизни экиш ва парвариши даврида барча агротехник қоидаларга амал қилинди. Экишдан олдин тупроққа 20 тонна чириган гўнг ва 100 кг ҳисобида фосфор солинди.

Ўсимлик парвариши эрта баҳорда бошланади ва униб чиққандан то июнь ойининг охирларигача 10-12 марта суғорилади. Ўсимлик поясининг баландлиги 3-5 см бўлганда кўчатни бошқа жойга кўчириб ўтказиш мумкин. Барча агротехник талабларга амал қилиб экилганда қалампирялпиздан 4 йилгача сифатли хом-ашё олиш мумкин.

Доривор хом-ашёнинг ташқи қўриниши. Тайёр маҳсулот қиска бандли, ўткир учли ланцетсимон барглардан иборат. Ҳиди ўткир ва ёқимли бўлиб, мазаси тилни ачитиб, узок вақтгача муздек қилиб туради.

Давлат фармакопеясининг XI сон талабларига кўра маҳсулот намлиги 14%, умумий кули 14%, қорайган барглари 5%, поя ва гул аралашмалари 10%, элақдан ўтадиган майда қисми 8% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Кимёвий таркиби. Ер юза қатламини тезда қоплай олиши доривор ялпизнинг ўсиши шўр тупроқли тажриба

даласида яхши кечди. Олинган таҳлилларга кўра, барги таркибида эфир ёғи адабиётларда келтирилган маълумотларда 1,80-2,05 % бўлиши кўрсатилган бўлса, унда 2,40-2,50% борлиги аниқланди. XI сон Давлат фармакопея талабига кўра барг таркибида эфир мойи 1%дан кам бўлмаслиги керак.

Эфир мойи ўсимликнинг ер устки қисмида сув буги ёрдамида ҳайдаб олинади. Мой тиник, рангиз ёки оч сарик суюқлик бўлиб, ҳушбўй ҳидга ва оғизни узоқ муддатгача совутадиган ўткир мазага эга. Мой таркибида асосан ментал бор. Мой совутиш эвазига ментал кристалл ҳолида ажралади. Мой таркибида 70% гача ментал ҳамда 4-9% ментолнинг сирка, валериана ва бошқа кислоталар билан ҳосил қилган эфир моддалари бор. Қалампирялпиз ер устки қисмида 40 мг каротин, гесперидин, флавкоидлар, бетаген, 03% урсол ва олеанол кислоталари бор.

Тиббиётда ишлатилиши. Қалампирялпиз барги препаратлари, эфир мойидан тайёрланган ялпиз суви, настойкаси кўнгил айнишига ва қусишига қарши ҳамда овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилашда ишлатилади. Шунингдек, оғиз чайқаш ва микстуралар таъмини яхшилаш учун қўлланилади. Эфир мойидан ажратиб олинган ментол, кулоқ, бурун, нафас йўллари касалликларида ҳамда тиш оғригини қолдириш учун ишлатилади. Ментолдан бош оғригини қолдирадиган мигрен қалами тайёрланади. Ментол препарати валидол кўкрак қисиши (стенокардия) касаллигига ишлатилади.

Шунингдек, эфир мойи ва ментол озиқ-овқат ҳамда парфюмерия саноатида ҳам ишлатилади. Асосий доривор препаратлари баргидан дамлама, эфир мойидан ялпиз суви – Aqua Mentha, настойка тайёрланади. Ментолдан мигрен қалами, валидол препаратлари тайёрланади. Барг тинчлантирувчи, ўт ҳайдовчи, меъда касалликларида ишлатиладиган йиғмалар, чойлар таркибига кўшилади. Қалампирялпиз мойи энг яхши антисептик хусусиятга

эга. Асосан тиш оғриқларида паста таркибига, шунингдек, корвалол, валидол, эфкамон, аэрозол, пектуцин таркибига кўшилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ноанъанавий доривор қалампирялпиз ўсимлиги Хоразм вилояти учун истиқболли ҳисобланиб, келгусида Хоразм воҳаси тупроқ-иқлим шароитида ундан тайёрланган хомашёдан турли хил касалликларни даволашда кўллаш мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. Собиров Р.С. Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитларида доривор ўсимликларни ўстириш технологияси. // “Қуий Амударё этакларида дехқончилик муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. Хива, 2001й., 67 б.

2. Собиров X., Дўсчанов Б., Собиров Р. Хива бальзами таркибига кирган баъзи бир ўсимликларни ўстириш технологияси. // “Ўсимликлар интродукцияси: Муаммолари ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. Хива, 2003 й., 82 б.

3. Собиров X., Собиров Р. Буйрак тош касаллиги ва уни даволашда ишлатиладиган маҳаллий доривор ўсимликлар. // “Хоразм воҳаси ва унинг экологик ҳолати” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. Хива, 2004 й., 101 б.

РЕЗЮМЕ

В данной статье приведены сведения о технологии возделывания мяты лекарственной в почвенно-климатических условиях Хорезма.

RESUME

The article is about the technologies of cultivating the mint herbals in the soil climatic conditions of Khorezm region.

ТАРИХ

ОТКРЫТИЕ ПЕРВОЙ СОВРЕМЕННОЙ БОЛЬНИЦЫ В ХИВЕ

**Абдурасулов А.- Хорезмская
академия Маъмуна**

В конце XIX в. население Хорезмской области получило возможность воспользоваться медицинской помощью. В 1891 году в городе Хиве был учреждён фельдшерско-амбулаторный пункт на 4 койки. Первых посетителей он начал принимать с 8 марта 1892 года. На его содержание Хивинский хан выделял 1696 руб. в год. В пункте работали врачи Попов и Н.Косьяненко. Контроль над ним был возложен на врача Амударьинского отдела. 1891 год в Хиву для проверки работы фельдшерско-амбулаторного пункта приезжали врач Авдакушин и фельдшер-акушерка Новоструева, а в 1897 год – врач Кумберг (Центральный Государственный Военно-Исторический Архив, ф.1396, оп.1, д.33, л.69).

Энтузиасты – одиночки, не получая поддержки у Хивинских властей, не могли оказать населению медицинскую помощь в нужном объеме. В Хиве распространялись массовые инфекционные заболевания. Начальник Амударьинского отдела рекомендовал хану “учредить в Хивинском ханстве должность хотя бы одного оспопрививателя с оплатой ему 15 руб. в месяц, который мог бы разъезжать по городам и селениям Хивинского ханства и производить прививки”. Но ханское правительство, ссылаясь на отсутствие средств, отказывалось даже выплачивать заработную плату обслуживающему персоналу фельдшерско-амбулаторного пункта в Хиве. Все же, по инициативе передовых общественных сил, в конце 1894 г. был открыт фельдшерско-амбулаторный пункт, который в 1895 г. перешел в новое здание.

В начале XX в. в связи с распространением различных болезней и увеличением смертности населения от лихорадки русские врачи, желая оказать скорейшую и действенную помощь населению Хивы, ходатайствовали об организации больниц в Хиве на 10 коек в Новом Ургенче и в Кунграде - на 6 коек. Кроме того, демократическая общественность требовала открытия 15 фельдшерско-амбулаторных пунктов в сельской местности (ЦГА Уз ССР, ф.125, оп.1, д. 47, л-142). Ханское правительство не согласилось с этим предложением.

Лишь в начале 1912 г. в Хиве было начато строительство больницы. Для этого в северной части города, на берегу канала Палван-Яб, был куплен сад Аллаберген-Кара-дивана.

Больница начала принимать первых посетителей в конце 1913 г. Первым врачом в ней был Н.Ф.Анисимов, несколько позже пришел на работу и врач Шумейко (ЦГВИА СССР, ф.400, д. 173, л-86).

Врачебный персонал вскоре завоевал симпатии населения города. Н.С.Лыкошин отмечал, что врач Анисимов «отлично лечит, успешно делает хирургические операции и снискал себе полное доверие народа». За три месяца своего существования больнице посетило 10909 человек, из них 4747 женщин (ЦГА Уз ССР. Ф. 125, оп. 1, д. 333, л: 65; д.309, л-15).

Таким образом, в начале XX в. в городе Хиве появились квалифицированные русские врачи, состояние здравоохранения в городе несколько улучшилось.

РЕЗЮМЕ

Мақолада XX аср бошларида Хива шаҳрида биринчи замонавий касалхонанинг очилиш тарихи ёритилган.

RESUME

The article consists of information about the history of the first modern hospital in Khiva city at the beginning of XX.

НОЁБ ХАЗИНАНИНГ КАЛИТИ

**Жалилов О.Х. -
Хоразм Маъмун академияси**

Хоразм кенг маънода, Туркистон минтақаларидан бири. Бу минтақада ҳукм сурган давлатлар, уларнинг хонлари, шоҳлари, давлат арбоблари жаҳонга донги кетган ботир, қаҳрамон, паҳлавонлари, машхур олимуму уламо, машойих авлиё-анбиёлари тарих саҳнасида ўзини намоён этган. Хоразм Кат, Урганч, Журжон, Марви жаҳон, Хива каби пойтаҳт шаҳарлари билан дунёга танилган қуёшли мамлакат. Хоразмликлар ўз тили, ёзуви, ўзига хос мусиқаси ва нотасига эга ҳалқ.

Жаҳон мамлакатлари, чунончи, шарқ мамлакатларида ҳам архив ишининг ривожланиши давлат ривожлан-ишида давлат тараққиёти билан боғлиқ бўлиб келган. Хоразм шоҳлари, Хива хонларининг давлат архиви бўлган.

Хива хонлигига XVIII-XIX асрларида ўзбек тилида иш юритиш тизими мавжуд бўлиб, ҳужжатларни сақлаш тартиби - архивчилик жорий этилган. Бирор Ҳива хонларининг давлат архив ҳужжатларини узоқ изланишлар натижасида тарих фанлари докторлари, профессорлар П.П. Иванов (1936 й), академик М.Й.Йўлдошев (1948-1962 й) ва А.Л.Троицкая (1951 й.) лар Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги кутубхонадан ва собиқ Иттифоқ Шарқшунослик институти қўллэзмалар жамғармаси (фонди)дан топишга муюссар бўлганлар. Бир неча минг варагдан ташкил топган ноёб ҳужжатларни 1873 йилда, Россия Ҳива хонлигини босиб олганида, хонлик хазинасидаги 300 бебехо қўллэзма билан бирга олиб кетганлиги маълум бўлди. Демак, давлат архив ҳужжатлари хон хазинасида қимматбаҳо мол-мулк, жавоҳир ва тилла пуллар билан бирга сақланган экан. Ҳужжатларни аниқлаб бериш шарқшунос олим А.Л. Кунга топширилган. А.Л.Кун ҳужжатларининг хон архивига тегишли эканини аниқлагач, унинг асосий

қисмини Туркистон генерал-губернатори Санкт-Петербургдаги Салтиков Шчедрин кутубхонасига юборган. Бироқ хужжатларнинг яна бир қисми А.Л. Куннинг қўлида қолиб кетган.

Хива давлат архив-хужжатлари 1962 йили Ўзбекистон Давлат архив бошқармасининг илтимоси билан Ўзбекистонга қайтарилиган. Ҳозир ушбу архив Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Ўзархив” агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида И-125 жамғарма (фонд), 1-2 рўйхат (опись) рақами остида сақланмоқда. Жамғармада жами 1252 ийфма жилд (дело) да тахминан 24000 варақ хужжат мавжудлиги аниқланди.

И-125 жамғармадаги хужжатлар Хива хонлигининг 1694 йилдан 1920 йилларгача бўлган давр тарихига оид бўлиб, мазмунан Хива хонлигининг давлат, ҳарбий, маъмурий тизими, сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий ва маънавий ҳаёти, этнографияси, топономияси, топографияси, қўшни хорижий мамлакатлар билан дипломатик, савдо ҳамда маданий алоқалари тарихи масалаларини қамраб олган.

Хужжатлар тузилиши жиҳатдан иккига бўлинади: биринчиси - бир варақ қоғоз ва қоғоз ўрамаси шаклидаги хужжатлар, иккинчиси - уч варакдан юз, беш юз варакгача бўлган дафтар шаклидаги хужжатларга ажратиш мумкин.

Варақ шаклидаги хужжатларга хонликнинг мустақиллик ва қарамлик давридаги сиёсий ахволи, давлат, маъмурий, ҳарбий тизимини акс эттирувчи хужжатлар, хонлар, тўралар, қушбеги, меҳтар, девонбеги каби вазирлар, али ул-умаро, шайх-ул-ислом, нақиб, мироб, девон, қози ул-қузот, раис, ясовулбоши, мингбоши, юзбоши, даҳбоши, ҳоким бийоқо, бекларбеги, оталиқ, бий, маҳрам ва сарой хизматчиларига муносабатли ёрлиқ, иноятнома, иншо, инъом, чек, патта, қози васиқалари каби хужжатларни киритиш

мумкин. Шунингдек, варақ шаклидаги хужжатларга хонликнинг Бухоро, Кўқон, Эрон, Афғонистон, Туркия, Русия, Англия билан алоқаларига оид дипломатик хужжатлар, мактуб ва турли ёзишма телеграммаларни киритиш мумкин.

Дафтар шаклидаги хужжатларга хонлик ахолисининг иқтисодий ҳаётига оид дафтарлар: 1.Хон бошлиқ феодал амалдор, руҳоний, савдогар ва оддий фуқаро ва ижарачиларнинг қўлидаги ерларининг таноби ёки аъло (юқори), авсот (ўрта), адно (қуи) категорияси бўйича тузилган рўйхат дафтарлари; 2. Ер, чорва, савдо солиғи тўловчилар ҳамма уларнинг тўлаган солиғи, закоти, тўламай қолган бокимандалари кўрсатилган дафтарлар; 3.Хонлик маъмурятлари - ҳокимлик, ноҳия, туман ахолиси, масжид жамоаси ва уларнинг иқтисодий ахволини кўрсатувчи статистик маълумотлар ёзилган дафтар; 4.Хонликнинг натурал – маҳсулот бўйича кирим-чиқим дафтарлари билан вақф хўжалигини ёритувчи дафтарлари. 5. Сарой, боғ, ҳовли, мадраса, масжид, ҳонақоҳ, минора, ҳаммом, дор ул-ожиз, дор ул-омон, мақбара, почта-телефраф, касалхона кабилар қурилиши ва уларнинг таъминоти тўғрисидаги хужжатлар; 6. Келим-кетим рўйхат дафтарлари киради.

Юқорида келтирилган Хива хонлари давлат архив хужжатларининг шакли, тузилиши ва мазмуни хақидаги маълумотларимиз бу архив хужжатлари Ўзбекистон халқлари, шу жумладан, хоразмликларнинг миллий-маданий, маърифий-маънавий бойлиги, олтин мероси, бебаҳо хазинаси эканини далиллайди.

Дунёдаги барча қўлёзма, босма китоб ва хужжатлар сақланаётган фонд ва у китобларнинг картотекаси, баъзиларининг рақам ва мавзулари бўйича нашр этилган тавсиф (каталог)лари мавжуд. Каталоглар фондлардаги китоблар, хужжатлар устида ишлаётган тадқиқотчилар учун калит-очқиличик вазифасини ўтайди. Очқиқсиз уйни очолмаганингиздай каталоггизиз ўзингизга,

тадқиқотингизга керакли қўлёзма босма китоб ёки қўлёзма ҳужжатни топа олмайсиз ва фойдалана олмайсиз.

Хива хонлари давлат архив ҳужжатларининг П.П. Иванов тайёрлаган 137 ҳужжатнинг тавсифидан (П.П. Иванов. Архив Хивинских ханов XIX в.-Ленинград, 1940) бошқа тавсиф ёзилиб, маҳсус китоб сифатида чоп этилмаган.

Каталог ноёб ҳазинамиздан тўла фойдаланишимиз, Ўзбекистондаги ўзбек хонликлари, айниқса, Хива хонлиги тарихини далилий ёзма манбалар билан янгича яратишга имконият яратиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов тарихчи манбашунослар олдига Ўзбекистоннинг тарихини ёзма ва ашёвий меросимиз асосида ҳаққоний яратишни вазифа қилиб қўйди. Бу вазифани амалга оширишда тадқиқотчилар учун ҳужжатлар каталоги жуда ҳам муҳим. Каталог тарихчи манбашунос олим тадқиқотчилар учун керакли биринчи ёзма манбаларни қийналмай топиб, уларни илмий муомалага киритиб, ўрганаётган масала-муаммолар устидан тўғри хулосалар чиқаришига имконият яратиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Хоразм Маъмун академияси Хива хонлари давлат архив ҳужжатларининг каталогини тузишни ўз лойиҳасига киритди, бу иш 2009 йили бошлаб юборилган эди. Каталогнинг 1 жилдини нашрга тайёрлаш иши бу йил ниҳоясига етказилади.

Ушбу каталогда хар бир ҳужжатнинг Ўзбекистон Марказий давлат архивида сақланаётган рақами, сўнгра, каталог тартибидаги ҳужжатлар тартиби бўйича рақами ҳужжатнинг қайси йил, ой, кунга муносиблиги, ҳужжатнинг қисқача мазмuni, унинг қофози, қофозининг бичими, қандай сиёҳда, араб ёзувининг қайси хат турида, қайси тilda ёзилганлиги тўғрисида маълумот берилади. Агар бир варақ қофозга ёзилган бўлса, унинг неча қаторлиги ҳам кўрсатилади. Ҳужжатда муҳрлар бўлса, уларнинг бичими ва

муҳрда ёзилган ёзувлар, муҳр эгасининг ва отасининг исми кабилар тўғрисида маълумот берилади.

Агар ҳужжат дафтар шаклида бўлса, архивда сақланаётган рақами, сўнгра, каталогдаги ҳужжатлар тартиби бўйича рақами, дафтарнинг муқоваси, неча варақдан ташкил топгани, неchanчи йил, ой, кунга мансублиги, сўнгра, мазмунидан кейин варагининг бичими, қофози ва юқоридагидай сиёҳи, хати, тили ҳақида маълумот берилади. Биз ишни ЎзР Марказий давлат архивида И-125 жамғарма, 2-рўйхатда сақланаётган 665-йиғма жилд (бир йиғма жилдда бирдан 500 вараққача ҳужжат)даги ҳужжатларни тавсифлашдан бошладик. Тузилган тавсифлар “Хива хонлари архиви ҳужжатлар каталоги (XIX-XX аср бошлари)”нинг 1-жилдига киритишин режалаштиридик.

Ўқувчиларимизни айрим ҳужжатлар тавсифлари билан таништирамизки, уларда тавсиф ва каталог ҳақида бир озгина тасаввур ҳосил бўлса, ажаб эмас. Варақ шаклидаги ҳужжатлар тавсифига мисоллар:

И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 15-йиғма жилд, 3-варақ. 1271 хижрий йил, рабби ул-аввал ойининг 22-си, 1854 йил, 14 декабрь.

Мухаммад Амин хоннинг (1845-1856 й) Мулло Муҳаммад Мусога берган ёрлиғи.

Ёрлиқда Мулла Муҳаммад Мусони Ҳазорасб қалъасига Мулло Муҳаммад Назар охунд ўрнига, Мулло Яъқуб хожага шерик раис ва Мулло Сайд Назарга шерик муфти қилиб нишони олийшон суюрғол қилдуқ, деб ёзилган. У инсоғ диёнат билан мусулмонларга дину оятлардан таълим бериб, имом ва муаззинларни текшириб, мактабга болаларини бермаган ва шариатга ҳилоф иш қилганларни жазолаб, чорасини кўришлиги кўрсатилган.

Қалъа аҳолиси эса у шахсни ўзларига муфти ва раис билиб никоҳ, даъволи масалалар ва шариат аҳкомлари каби масалаларда уларга мурожаат қилишликлари лозимлиги эслатилган.

Ёрлиққа хоннинг 5x12 см. бичимли “Мұхаммад Аминхон...ло илоха иллаллох Мұхаммадун Расулиллох тоғарир Аллох” деб ёзилган мухри босилган.

Ёрлик 22x34,5 см. бичимли, оқ рангли маҳаллий қоғозга, қора сиёҳда, настаълиқ хатида, туркий (ўзбек) тилида ёзилган, жаъми 17 қатор.

И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 22 йиғма жилд, 6-варақ, 1281 ражабнинг якуни, 1864 йил, 10 декабрь.

Сайд Мұхаммад Раҳимхон сонийнинг ёрлиғи. Ёрлиқда Амударёнинг орқа тарафи (шимоли) ва Ёлпоқ Чек мавзеидаги 600 ва 400 танобдан иборат икки бўлак мамлакати подшоҳий ерини Абдуллоҳ меҳтар валади Фозибойга вазни бир мисқоллий 5000 тиллага сотгани ёзилган. Ернинг чегаралари аниқ кўрсатилган. Ер уни сотиб олувчининг холис мулкига айланиши, уни ворисларига мерос қилиб қолдириш хукуқига эгалиги таъкидланган. У ерга дахл етказмаслиги эслатилган.

Хужжатга икки муҳр босилган:

1) 2,3x4 см. бичимли “Шоҳ Ҳожа Одил Мұхаммад Раҳим, талатуфлари ба омади таҳт адим, Ё Оллох” деб ёзилган муҳри

2) 3,5x3,5 см. бичимли “Қози ул-Кузот Қози Абдурәҳим ибн Қози Мұхаммад Шариф эшон марҳумий” деб ёзилган муҳр.

Ёрлик 19,5x32,5 см. бичимли сарғич юпқа Самарқанд қоғозига, қора сиёҳда, чиройли настаълиқ хатида, туркий (ўзбек) тилида ёзилган, жами 16 қатор.

И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 227-йиғма жилд, 1-варақ, 1865 йилги Хива хонлиги қушбегисига Марв, Чоржўй ва унинг атрофидаги така қабиласи туркманларининг ёзган мактуби.

Мактубда улар ўзаро маслаҳатлашиб, Бухоро амирининг итоатидан чиқиб, Хива хони Мұхаммад Раҳимхонни ўзларига хон ва подшоҳ деб қабул қилганликлари баён этилган.

Хужжатга 6 та шахс муҳрининг нимтаси (ярим қисми) босилган.

1) 1,5x2 см. бичимли, сув олиб кетган, ўқиб бўлмайди.

2) 1,3x2 см. бичимли Қозихон.

3) 1x1,5 см. бичимли Муродхон.

4) 1,5x2 см. бичимли Бойназирхон.

5) 1,3x1,8 см. бичимли Абу Эдак Паҳлавон.

6) 1,2x1,6 см. бичимли Давлатназар ибн Мұхаммад Нағасларнинг муҳрлари.

Мактуб 11x22 см. бичимли маҳаллий қоғозга, қора сиёҳда, настаълиқ хатида, форс тилида ёзилган, жами 29 қатор.

И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 220 – ииғма жилд, жами 21 хужжат, 1 варақ, 1866 йилга оид.

Бухоро амири Амир Музаффарнинг Хива хони Мұхаммад Раҳимхон II га ёзган мактуби.

Мактубда амир Хива хонига Олимқули номли шахснинг давлатга қарши бош кўтариб чиққани, лекин уни мағлуб қилиб, Фарғона ва Хўқанд вилоятларини кайтиб олганлигини билдириган ва ушбу “хушхабар”ни хонга етказиш учун Саъдуллоҳ хожа авроқни хон ҳузурига юборгани айтилган.

Мактуб вараги орқаси Сайд Амир Музаффарнинг 2x2 см. бичимли муҳри босилган.

Мактуб 23,5x 37,5 см. бичимли рус ёзув қоғозига, қора сиёҳда, настаълиқ хатида, форс тилида ёзилган, жами 16 қатор.

Дафтар шаклидаги хужжатлар тавсифига мисол:

И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 466 йиғма жилд, қорамтири яшил муқовали дафтар шаклдаги 85 варақли, 79 варағига ёзилган хужжат. У 1859-1860 йилги ер эгалиги ва соликқа оид хужжат.

Дафтарда Хива хонлигига қарашли вилоят, ҳокимлик, район ва энг кичкина маъмурий бирлик - масжидлардаги хўжаликлар сони, уларнинг ерга эгалиги бўйича, яъни, 10 танобдан кўп ери бўлган аъло (юқори), 5 танобдан 10 танобгача ери бўлган авсот (ўрта ҳол) ва 5 танобдан кам ерга эга бўлган адно (қуйи) табақага оид хўжалик (ховли) сони ва уларнинг жами тилла ҳисобида неча тилла солик

тўлаганлиги тўғрисида маълумотлар графа-жадвал шаклида ёзилган.

Хужжатда қуйидаги вилоят, ҳокимлик, район (туман) ва масжидлар бўйича маълумотлар берилган:

Питнак, Жувор хос (4б варак), Карбак (5а, 6а) Мухоман (6а-7а), Авшор (7а-7б), Жонготли (7б-8а) Бешдаҳоли (9б) Хосса ёпли (9б-10а), Шайхёп (10б) Жувондир (10б-11а) Пичоқчи (11а, б) Ширшоли, Қурра отовли, Ос, Тамали, Хитий, Масъуд, Нукус, Боғот, Қуланчи, Наймон, Тобеи, Хива Гандумён, Ос, Ангариқ, Пишканик, Пирнахос, Гулбонбоғ, Ғаҳш, Индавак, Садрхос, Шайх боғи, Остона, Вақфчи, Каттабоғ, Янгиариқ, Оқ масжид, Янгиёп, Жирмиз, Чатак, Собирзон, Қўнғирот олажа, Сорт олажа, Шотли, Ширин, Қулон қорабоғ, Қулон дагмаж, Дурғодик, Мадир, Ишкон хос, Зино хос, Гўжа, Қаҳрамон била, Арбак, Хастигон, Шайх, Машҳадли, Кенагаз, Илдимзон, Шамахулум, Харбус, Незанхос, Хадра, Жоник шайх, Қоратамоқ, Куюқтомли, Хонабод, Хайрабод, Парчанхос, Ғўвик, Қушчи каттабоғ, Қиёт, Ропаник, Юқори Ропаник, Обхўри Ғозиобод, Чондирли, Қирлавит, Қорамонли, Довутли, Қатоғон, Қўшкўприк, Ўзбекёп, Ғозобор, Обхўри, Шоҳобод, Тобеи Ҳонқа, Қора мозули, Ўргначлик қоравул, Қалъа қоравул, Раият қалъа, Ғайбули, Чот кўприк, Янғут қалъали, Бешмерган, Шоҳобод, Обхўри, Ёрмиш, Дурман, Уйшун, Беруна уйғур, Оқ сабли, Беватан уйғур, Уйрот, Кот, Мойли, Жангаль, Қиёт-қўнғирот, Болғон, Тобей Қилич Ниёзбий, Тобей Гурлан, Гурланёпли, Тошқалъа, Орёқчи, Ҳизирэли, Вазир...Тобей Қипчоқ мулкдор қангли, Ер тутқон қангли, Тобей Кўхна Урганч Хонабоддин тутқонлар кабилардаги аъло, авсот, адно категорияга тегишли хўжаликлар, уларнинг тўлаган солиқлари тўғрисида маълумот берилган.

М.Й. Йўлдошев 466- йиғма жилда берилган маълумотлар орқали (асосида) Хива хонлигига ўша даврда 1183 масжид борлигини аниқлаган. Солик тўловчи хўжаликларнинг ҳаммаси 37603

та бўлиб, ерга эга хўжаликлар сони 16400 тани ташкил қилган. Шулардан 3146 хўжалик аъло, 3934 хўжалик авсот, 9320 хўжалик адно категориясига мансуб бўлган.

466 йиғма жилд (дафтар) варафининг бичими 18,5x23 см. оқ рус қофози, қора сиёҳда, настаълиқ хатида, ўзбек тилида ёзилган.

И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 432 йиғма жилд, дафтар шаклидаги 46 варақли, 1872 йилга оид. Қорақалпоқ, қисман қозоқ закот тўловчи чоравадорларнинг рўйхати ёзилган хужжат.

Дафтарда чорвадорнинг исми - шарифи, унинг қайси қабила ёки уруқса мансублиги, қайси райондан ёки куранг (қўргонча)га қарашлилиги, неча мол ёки кўйи борлиги, баъзан, шахсларнинг неча тилла ёки танга тўлаганлиги ёзилган. Дафтарда ҳар бир район ёки куранг чорвадорларининг рўйхати берилгандан сўнг ўша район ёки курангда жами нечта мол борлиги ва жами неча танга ёки тилла закот тўлаганлиги форсча сўз ва рақам билан ифодаланган (баён этилган).

Масалан: жами дуҳазор у шаёт мол-2060 танга (2а) сисаду панжоҳ мол-350 танга (2б) жами даҳ ҳазору сиюҳашт мол-10038 танга (8а), жами сездаҳ ҳазору ҳашт саду ҳаштад мол-1388 танга (19а) Бисту Якҳазору ду саду чехлиду мол (29 б) жами ҳафт ҳазору ҳафтсад шастмол -7760 танга (44а варак) деб ёзилган. Мол сони билан тўлаган тангаси бир хил бўлганлиги учун ҳар бир мол ҳисобидан бир тангадан закот тўланган деган хулоса келиб чиқади.

Демак, дафтарда Хўжаэли (1б) Қиёт ёргон (2б) ўқузнинг сақоси (2б), Қўнғиротнинг атрофи (3б), Кўқдоғи (4б), Оққалъа (8б), Эшимнинг оёқи (13б), Девқара (19б), Бўйдоли (22а), Ноиб (30 а), Оқтева (37а), Чўртонбойнинг сақоси (42а) каби район ва куранглардаги чорвадорлар ва молларининг жами сони ва тўланган закотлари танга ҳисобида ёзилган. Дафтарда чорваси ҳисобидан закот тўлаб бўлган шахслар рўйхатдан чизик билан ўчирилган. Дафтарда

“ўтилди”, “3 танга ўтилди” “Хўжаэлиничи”, “Ноибдан келган”, “Фатакли”, “Юсуф маҳрамнинг одами” каби жумлалар учрайди.

Дафтарнинг қофози 18,5x23 см. бичимли рус ёзув қофози бўлиб, маълумотлар унга қора сиёҳда, настаълиқ хатида, ўзбек тилида ёзилган.

И-125-жамғарма, 428 йиғма жилд, қизил сафян чарим муковали 6 варакли дафтар шаклида, у 1289-1290/1872-1873 йилларга оид ҳужжат.

Дафтарда Хива хонлиги бозорларида савдогарлар, дехкон, хунармандлардан олинадиган закот, тагжой, даллол ҳаки тўғрисидаги маълумотлар ёзилган. Дафтарнинг 2 б варагида “1289 йил рабби ас-соний ойи орасида Худойберган карвонбошиға олингандар учун етти юз тилла берилди” деб “шаввал ойинда келган бухорочини жами закоти тўқсон олти тилла. Зулқаъда ойинда келган бухорочини жами закоти икки лангча очилмоғон юқдин бошқа, икки юз доғи ўн етти тилла олти танга; Яна шаввалда келган бухорочининг закоти ўн тўрт тилла чорак” деб ёзилган. (2б варак).

Дафтарнинг За-4б варакларида хонликнинг Хивақ саройи Урганч, Ҳонқа пахта билан даллол ҳаки 1500 тилла. Сирбурушнинг даллол ҳаки 500 тилла, Хивани бозори тагижойи 1500 тилла, даллол ҳаки 500 тилла. Боғот Эшон бозори, Навхос, Янгиариқни бозорини тагижойи 800 тилла, даллол ҳаки 300 тилла (За варак), Ҳонқа, Урганч, Гурлан, Дўсимбий, Мангит, Қиличбой, Кўкчака, Фурси, Тошховуз, Шоҳобод, Кўшкўприк (3б варак), Анбор, Маноқ, Ҳилоли (Олаэли) билан Қизил тақир, Фозибод, Кўнғирот, Хўжаэли, Кўхна Урганч (4а), Чимбой ва Орёқдаги бозорларнинг тагижойи ва даллол ҳақларининг (4б варак) хисоб- китоби берилган. 10x17 см. бичимли рус ёзув қофози, қора сиёҳда, настаълиқ хатида, ўзбек тилида ёзилган. Юқорида биз ўқувчиларни ёрлик, ер, чорва эгалари, савдогар- хунармандлар ва улардан

олинадиган солик, закотларга оид ҳужжатлар тавсифи билан таништиридик.

Кирим-чиқим дафтарлари тавсифи билан таништирамиз.

И-125- жамғарма, 2-рўйхат, 410 йиғма жилд, нақшланган қалин қаттиқ картон муковали 34 варакдан ташкил топган дафтар. 1268 1851-1852 йилга оид.

Ҳужжатда хонлик вилоят, туманларидаги мулки, хосса ва ҳовли ерларидан олинган (тушган) ғалла даромад ва унинг сарфланиши яъни буромади тўғрисида маълумот берилган.

Дафтарда 1851-1852 йиллари Рафаник ҳовли (3б), Сайид ҳовли (4б), Янгиариқ (5б-6б), Наймон ҳовли (8б), Шайх Аббос Вали (9б), Зеҳ ҳовли (10а), Шўроҳон (11а-13а), Гулбонбоғ (14б), Мангит (16), Қоттиғ оқар (18б), Мангит доғи хосса ернинг (19а). Уйғур (24а), Шоҳобод ва Бўз (25а), Қимочбайдаги, мулк ернинг (25б), Хосса ернинг (26а), Оқмасжиднинг (28б), Жўроҳондаги мулк ернинг (31б), ғаллалари, улардан турли ҳаражатлар учун арикнинг рўзмарраси (кундалик ҳаражати 10а, 12а). мадраса қурилишига тош келтирғанларга (24), хоннинг ҳовли ерида ишловчи қуллар дўғмаларнинг маошлари учун, янги ушр ҳисобидан қатор шахслар орқали сарфланган ҳаражатлар ёзилган.

Дафтар варагининг бичими 10x15 см., юпқа шилдироқ сарғич, маҳаллий қофози унга қора сиёҳда, настаълиқ хатида, ўзбек тилида ёзилган.

Бошқа ғалла кирим-чиқим дафтарларида тўй-тўкин, базм ёки ўлим маракалар, уруш даври эса озиқ-овқат, қурол-яроғ ва амалдорлар ва навкарлар маоши, ўлган яраланган жангчи (навкар) ёки отлари кабилар учун сарфланган ҳаражатлар ёзилгани маълум.

10x15 см. бичимли сарғич юпқа шилдироқ маҳаллий қофозга, қора сиёҳда, настаълиқ хатида, ўзбек тилида.

И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 524- йиғма жилд.

Дафтар шаклидаги 31 варакли 1266/1849-1850 йилга оид ҳужжат. Дафтар нақшланган чарм қопланган қалин картон муковали.

Дафтарда хонликнинг энг йирик амалдорларидан то энг кичик сарой хизматчиларига 1849-1850 йиллари тилла ҳисобида берилган вазифа – (маош), инъом пуллари тўғрисида маълумот берилган.

Хужжатнинг 16-36 варакларида Накибхожа, Сайд Муҳаммад тўра, Мир Ахмадхон, Оталиқ оқо каби, 50 амалдорга 10 тилладан 200 тиллагача берилган маош ёзилган. 4a-5b варакларида 47 бекларга 10 тилладан 100 тиллагача. Шаҳар атрофидаги юзбошилар 1 тилладан 30 тиллагача (6a-8a), Шамхолчи юзбошиларга (8a,b) сарбоз юзбошиларга (9a,b), тўғчиликага (9b-10a) найманларга (10a,b), Ҳазорасп юзбошиларга (10b-11b), Фитнак, Олабўлак, Ўйшун, Қиёт қўнғирот, Гурлан юзбошиларга (10b-12b), Тошқалъя, Вазирли, Имҳонли, Манғит, Қипчоқ, Хўжаэли, Кенагас, Оқ уйли қўнғиротларга (12b-14b), шаҳар атрофидаги маҳрамлар 6 тилладан 15 тиллагача (14b-20b), Янгиариқлиларга (20b-21 a), Арқдаги дарвозабонларга икки тилладан (21a-22b), ошпазларга беш тилладан (22b-23a) каби шотирлар, сурнайчи, карнайчи, девона, миршаб, мерган, жарчи, сарбонларга 2-5тилладан 10 тиллагача берилган пуллар (23a-26a), сўнгра Ҳазораспдаги дарвозабонлар (27 a), Фитнакли, Қўшқўпирли, Шоҳободли, Чондир, Қиёт, Ҳонқали, Қўнғиротли, Тошқалъали, Гурланли, Жомли, Урганчли шаҳри сорбуклиларга 5-6 тилладан пул берилгани ёзилган.

Бу дафтарнинг ўзига хос ҳусусияти ундаги рўйхат кейинги йиллар учун ҳам ишлатилган.

Дафтардаги рўйхатнинг асосий қисми ўчирилган, хужжатда баъзи номлар тепасига “Мурда” (ўлган), “Қорамонда” дегандай сўзлар ёзилган.

9x16 см. бичимли оқ рус ёзув қозози, қора сиёҳда, настаълиқ хатида, ўзбек тилида ёзилган.

И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 533-йифма жилд, қизил сафъян муқовали 74 варакдан иборат дафтар шаклидаги,

1871-1872 йилларга оид хонликнинг харажатлари ёзилган хужжат.

Дафтарда хон, хон оиласи, фарзандлари, тўралари хонликдаги, турли амалдорлар сарой ва сарой хизматчилар кўчманчи ҳалқлар, уруғ оқсоқоллари, элчи, мусофирига қилган харажатлар, уруш харажатлари ҳам ёзилган.

Хужжатнинг 16 варагида 1288 қўй йили моҳи ражаб (1871 йил сентябрь) Маҳрамхона учун Паҳлавон маҳрамга беш тилла берилди. Тўра Муроджон тўрамиз учун тўрт тилла берилди.

Бухоро элчисининг кишиси шеър айтиб келганда, ўн беш тилла билан бир латта сарпой берилди.

Моҳи ражабнинг ўнланчиси (1871 йил 25 сентябрь) якшанба куни Қора хожа, Омонкелдиларга ҳар кунда ўн уч танга берилди. Саккиз кунда ўн бир тилла тўрт танга берилди. Кадхудоларига беш тўн билан ўн уч тилла билан бирга латта сарпой берилди деб ёзилган.

96 варагида “Қобилбеклар бегининг халифа пулиси учун олтмиш тилла берилди. Тўрт сардорға икки гирвонка чой берилди, пули уч тилла. Яна сардорға бир латта сарпой берилди, пули уч тилла, Ёвмут қалтамонлари ўрисдин бир калла олиб келган, ўттиз тилла берилди, олти сарпой латта тўн ҳам берилди пули ўн саккиз тилла.

Күшбеги бўлганда тўққиз тиллага бир пўта олинди, тўрт тиллага бир телпак олинди, ўн беш тиллага бир қизилли пичноқ олинди, йигирма тиллага бир кимҳоб тўн олинди” деган маълумот берилган.

Дафтар Отажон тўрамизнинг олдиларида юборилган нимарса қаролар (3b), “Ҳазратимизнинг халифалари” (4a), “Ҳазратимизнинг ўнгларига келган нимарса қаролар” (13a), “Сайид Ризо тўрамизнинг йилини берганда олинган нимарсалар” (14a), “Сарбозларнинг чакмон, чолвурининг харажати” (12a).

“Рўзииъди зиёфатининг харажати” (26a), “Қурбон ҳайитидаги зиёфатининг харажати” (41a). “Тўра Муроджон тўрамизнинг кўрпа тўшаклари учун

олинган нимарсалар” (46а), “Отажон тўрамиз сақага берғонди(ғи) олти оқшомнинг харажати” (49а), “Гандумён ҳовлидағи зиёфатнинг харажати” каби мавзулар остида ва ундан ташқари ҳар ойда қилинган харажатлар айрим-айрим ёзилган. (8а,18б, 27б, 30б, 36а, 42б, 47а, 53а, 60а, 64а, 68б, 71б ва рақлардан бошланган).

Дафтар варағининг бичими 9x13 см. рус ёзув қофози, қора сиёҳда, настаълик хатида, ўзбек тилида ёзилган.

Кисқача ахборотимизда барча хужжат турларининг тавсифидан мисоллар келтириш имконияти бўлмади. Лекин, юқоридаги ахборотимиз Хива ҳонларининг давлат архиви хужжатлари ҳонлик тарихининг барча томонларини ёритиб берадиган далилий маълумотларга бойлиги, унинг Хоразм ҳалқларининг бебеҳо хазинаси бўлиб, уларнинг тавсифи – каталоги эса хазинанинг очқичи-калити эканлигини кўрсатмоқда. Бироқ, Хоразм ҳалқи ўз ота-боболари юрти, масжид, қишлоқ, ноҳия, туман ва вилоят ҳокимликлари тарихини ўрганишда бу хазинадан фойдаланмай келаётгани, кишини ҳайратга солади.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб яшнаётган бир даврда унинг ҳар бир фуқароси ўз аждодларининг шажарасини, қишлоғи, тумани, шаҳрининг тарихини чуқур ўрганишга кенг йўл очилгани ва зўр имкониятлар туғилганлигини ҳис эта билиши керак.

Хулосамиз охирида Хива ҳонлари давлат архиви хужжатларининг 1873-1924 йиллар тарихига оид Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида И-125-жамғарма, 1-рўйхат рақами остида сақланаётган иккинчи қисмининг каталогини тузиш зарурлигини эслатиб ўтишни ўз вазифам деб ҳисоблайман.

Республика олий ўқув юртларининг тарих-филология ва фалсафа факультетларида Хива ҳонлари, Бухоро амирлиги ва Кўқон ҳонларининг давлат архив хужжатларининг манбашунослиги бўйича маҳсус курсларини ўқув

режаларига киритиш даври етиб келди. Бундай курслар ҳужжатларни янгича ўрганиб, ҳалқимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беришда ва ёшларимизни ўз тарихи, миллий маданияти, маърифати, маънавияти ҳамда ўзлигини тушуниб, ватан, ҳалқ, оиласпарварлик руҳида тарбияланишда пойдевор яратади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье в рамках научного проекта ”Каталог государственных архивных документов Хивинских ханов” анализируются архивные документы Хивинского ханства, хранящиеся в фонде И-125 в ЦГА Республики Узбекистан.

RESUME

In this article the archival documents of Khiva khanate which are kept in fond I-125 of Central State Archive of the Republic of Uzbekistan were analyzed on the scientific research project “Catalogue of state archival documents of Khiva khanate”.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ АҲОЛИСИ АЙРИМ ҲАЛҚ ЎЙИНЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ВА ЭТНОЛОКАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ТҮГРИСИДА

Йўлдошев С.В. - ФарДУ

Марказий Осиё минтақаси жаҳонда энг қадимги тарихий-этнографик ва муҳим ижтимоий-иктисодий худудлардан ҳисобланади. Ҳам ўтроқ, ҳам кўчманчи цивилизациянинг энг илғор тажрибларини ўзига сингдириб ва синтезлаб олган ҳудуд аҳолиси ўзига хос оригинал маданиятга асос солган. Минтақада ўзбек, тоҷик, қирғиз, қозоқ, рус, қорақалпоқ ва бошқа миллат вакиллари ёнма-ён яшаганлиги, бир-бирига яқин хўжалик турлари билан шуғулланганликлари туфайли узоқ асрлар давомида этномаданий жараёнларда уйғунлик мавжуд бўлиши исбот талаб қилмайди. Ҳалқимизнинг миллий ва маънавий

қадриятлари сирасига кирган халқ ўйинлари узоқ ўтмишга бориб тақалади, чуқур ва мустаҳкам тарихий илдизларга эга. Халқ ўйинларининг шаклланиши, сайқалланиб бориши аҳолининг хўжалик ва майший турмуши билан узвий боғлиқ бўлиб, субминтақавий, геоҳудудий характерга эга. Миллий қадрият даражасига кўтарилиши учун халқ ўйинлари узоқ асрлик синов ва тажрибадан ўтган. Айрим ўйинлар пайдо бўлган илк давридаги хусусиятларини сақлаб қолган бўлса, бир қаторлари модернизация-лашган.

Халқ ўйинларидан ов ўйинлари ҳам ўзига хос тарихга эга бўлиб, бундай ўйинларнинг тарихий илдизлари ибтидоий одамлар турмуш тарзига ва ҳаётига бориб тақалади. Бундай ўйинлар ов олди машқи вазифасини ўтаб, ўша даврга хос кичик жиддий тадбир шаклида уюштирилган⁶. Овчилик асосида чорвачилик шаклланган, кейинчалик бу ўйинлар чорвадор қабилалар орасида анъанага айланиб қолган. Ов ўйинларини руҳий ва жисмоний шайланиш мақсадида байрам маросимларида кўтаринки кайфиятни вужудга келтириш учун мунтазам анъанага айланиб борганлиги илк маданият ва санъатнинг ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратган.

Байрам иштирокчиларининг диққатини тадбирларга жалб қилиш, уларни фаоллаштириш мақсадида ов ўйинлари оммавийлашиб, улар қўшиқ, викторина, кўрик-танлов, спорт мусобақалари каби бир неча комплекс тадбирлар синтезини ташкил қилган.

Халқ ўйинлари ҳақидаги ёзма маълумотларни XI асрда яшаган таникли туркийшунос олим Махмуд Қошғарийнинг “Девону луготит турк” асаридан ҳам олиш мумкин. Унинг китобида келтирилган маълумотлар халқ ўйинларининг юзага келиш тарихи ҳамда эволюциясини ўрганиш имконини беради.

Жумладан, туркий қавмлар орасида тўп билан ўйналадиган қадимий ўйинлардан бири – “чавгон” кенг расм

бўлган эди. “Девону луготит турк” да бу ўйинга таалуқли бўлган қуйидаги атамалар келтирилади:

“Тангуқ”–чавгон ўйинида коптокни тортилган ўтовдан ўтказганга бериладиган ипак кийимлик, “тасал”–чавгон ўйини майдонида чегарани белгилаб чизилган чизик, “тобик”–чавгон билан уриладиган копток, тўп⁵. Қадимги аждодларимиз босқинчи қабилалар хужумини қайтариб, ўзларини ҳимоя қилишлари учун жангут жадал сирларини пухта эгаллашлари талаб қилинарди. Шунинг учун қиличбозлик, найзабозлик, ўқ отиш – тирандозлик сирларини ўзлаштириш мақсадида турли-туман жангавор ўйинларни ҳам ўйлаб топганлар.

Тирандозлик ўйини аввалдан ҳозирлаб қўйилган маҳсус жойда ўтказилган. Отиш машқлари учун мўлжалланган жой қадимги туркийлар тилида “амачлик ер” деб аталган. Мерганликка қизикадиган йигитлар ўқ-ёйларини олиб, ўша майдонга етиб боришади. Ўқ отиладиган жойдан то нишонгacha бўлган масофа “оқтам”, яни “бир ўқ отарли масофадаги ер”, нишон эса қадимги туркийлар тилида “амач”⁶ дейилган. Назаримизда, камондан ўқ отиш мусобақаси даставвал ёшларнинг жанговарлик хусусиятларини қарор топтириш мақсадида ўтказилган. Кейинчалик ана шу муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ҳарбий ўйин машқидан “олтин қобоқ” типидаги томошавий ўйинлар келиб чиқкан.

“Олтин қобоқ” ўйини қоидасига кўра 5-6 метрлик ёғочлардан тўрттасини бир-бирига улаб, боғланади. Ана шу тарзда ҳосил бўлган узун ёғочнинг учига қўй ошиғи ёки танга пулни осиб, ёғочни тикка қилиб ўрнатганлар. Камон ўқи билан ёғоч учига осилган ошиқ ёки

⁵ Махмуд Қошғарий. Девону луготит турк. I-жилд. Т.:1963.,360-445 б.

⁶ Махмуд Қошғарий. Девону луготит турк. I-жилд. Т.:1963.,86 б.

танга, яъни, “Олтин қобоқ”ни урган мерган маҳсус соврин эгаси бўлган.⁷

“Олтин қобоқ” отиш Ўрта Осиё халқларининг тўй маросимларида ўйналадиган анъанавий ўйинлардан бири бўлган.⁸

XI асрда яшаган туркий қавмлар орасида ёнғоқ билан ўйналадиган ўйин ҳам бўлган. Бу ўйин “Кўчирма ўйин” деб аталади. Маҳмуд Кошғарий айrim қабилалар тилида бу ўйин “Ўн тўрт” деб ҳам аталишини қайд қиласди. Олимнинг ёзишича, болалар ерга кўргончага ўхшатиб тўрт чизик тортиб, унга ўнта эшик қилишган. Ана шу шаклга тош ёки ёнғоқ ташлаб ўйнаганлар⁹. Тўрт чизик ва ўнта эшик чизилганинига кўра ўйин номи “Ўн тўрт” деб аталган бўлса керак.

Ёнғоқ ўинини хозирги кунда ҳам ўзбек болаларининг куз-қиши фаслларида ўйнайдиган мавсумий ўйинларидан бири хисобланади. Назаримизда, “Кўчирма ўйин” аслида юмaloқ тош воситасида ўйналган. Кейинчалик бу предметли ўйинда тош ўрнига ёнғоқдан фойдаланиш анъанаси юзага келган.

Фарғона водийсининг айrim ҳудудларида, масалан, Андижон вилоятининг Избоскан ва Марҳамат туманларида яшовчи аҳолининг асосий машғулоти дехқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, боғдорчилик бўлганлиги туфайли, ”оқ шоли – кўк шоли”, “бўжама бола”, “Аҳмад-Аҳмад”, ”камон ўйини”, “улоқ ва ошиқ ўйинлари”, “қулоқ чўзма”, “тортишмачоқ”, “тандир пиш”(Избоскан тумани)¹⁰, “тўп-тош”, “оқ теракми-кўк терак”, ”хола-хола”, ”даста ўйини”, ”пар тепиш” (Марҳамат

тумани)¹¹ қабилар кенг тарқалган бўлиб, “улоқ”, “қулоқ чўзма” ўйинлари икки туман орасида бирдек тарқалганлиги аниқланди.

Водийнинг Қирғизистон Республикасига тегишли бўлган, чегарадош Сайриқум, Нушқон, Бурганди қишлоқларида ўн етти хил машқ орқали бажариладиган “пичоқ ўинни”, лой билан ўйналадиган “порсин-парс”, “ёнғоқ”, “хурмача боғ”, “пар тепиш” каби ўйинлар кенг тарқалган.

Фарғона вилояти Олтиариқ туманининг тожик миллатига мансуб аҳоли яшайдиган Бўрболиқ қишлоғида катталар ва болалар орасида ўйналадиган ўттиз беш тур ўйинлар аниқланди. Бундай ўйинлар фақат тожик миллатига мансуб аҳоли орасида ўйналадиган, тожикча иборалар билан номланадиган “парбози” (пар ўинни), “кушакбози” (кум ўинни), “чимпўшак” (чим кийди), “кумкафанак” (кумда судралиш мусоабақаси), “дандон ба қошиқ” (тишда қошиқ ушлаб туриш) каби ўйинлар ажralиб туради. Бундай ўйинларнинг турлари Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида, Бағдод, Риштон, Қува, Бешарик туманлари, Наманган вилоятининг Тўракўрон, Уйчи, Косон, Чуст туманлари, Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятининг Янги Новқат, Эски Новқат, Учкўрғон аҳоли шаҳарчаси, Баткент вилоятининг Қадамжой, Ҳайдаркон аҳоли пункти қабиларда истиқомат қилувчи ўзбек, тожик, қирғиз аҳолиси ўртасида кенг тарқалган. Дала этнографик маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур ҳудудлар аҳолиси орасида ўйналадиган ўйинларнинг 80 фоизи бирдек тарқалган. Халқ ўйинларининг тарихан таркиб топиши ва ўзига хос (локал) жиҳатларининг намоён бўлиши узок тарихий босқичларни босиб ўтган. Халқ ўйинлари ва уларнинг турлари ҳақида фикр юритилар экан, кўп минг йиллик тарих давомида моддий ва маънавий

⁷ Қиличев Т. Хоразм халқ театри. Т.: 1989. 92-94 б.

⁸ Вамбери Г. Очерки Средней Азии. М.: 1868., с.94., Сагитов И. Т. Қорақалпоқ халқ қаҳрамонлик эпоси. Нукус. 1963.,346 б.

⁹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк.Ижилд.Т.:1963.,452 б.

¹⁰ Дала ёзувлари. 2005 йил. Андижон вилояти. Избосган тумани. Пойтуғ, Қўқон, Луғумбек қишлоқлари.

¹¹ Дала ёзувлари. 2005 йил. Андижон вилояти. Марҳамат тумани. Паҳтакор, Корабоғиш, Марҳамат қишлоқлари.

ёдгорликларнинг маълумотига кўра, улар бирор мифологик қараш ва тасаввурлар билан боғлиқлиги аён бўлади. Айниқса, от ҳайвони иштирокида уюштириладиган ўйинлар инсониятнинг илк диний эътиқодлари бўлган тотемизм, анимизм, фетишизм тасаввурларига бориб тақалаши билан характерланади.

Хоразмдаги Кўйкирилган қалъа ёдгорлигидан топилган сопол хумнинг бир томонига от чоптириб кетаётган массагетнинг найза билан ҳайвонга ҳамласи тасвиirlанган бўлса, иккинчи хумда қанотли отнинг тасвири туширилган¹². Худди шундай тасвиirlар, яъни, отни чоптириб кетаётиб, шер, кийик, қоплон каби ҳайвонларни ўлдириш, уларга хужум қилиш каби саҳналарни илк ва ривожланган ўрта аср тасвирий санъат асарларида кўплаб учратиш мумкин¹³. Маълумотларга қараганда, бизнинг қадимиј аждодларимиз ўзларининг турмуш тарзлари, хўжалик ҳаётидан келиб чиқкан ҳолда йилқичиликка ва у билан боғлиқ урфодатларга асос солиб, ривожлантириб борганлар. Ҳатто, С.Фирсовнинг маълумотларига кўра “...туркий халқлар ислом динига қадар отларни ҳам муқаддас санаб, ўз уйлари ва ўтовларининг эшиги устига отнинг бош суюкларини илиб кўйган. Бу суюк оилани барча ёмон иллатлардан, ёвузликлардан сақлаб турган ва шу бош суюк олдида қасамёд килганлар. Шу ўринда айтиш жоизки, халқ оғзаки ижодида, айниқса, эртакларда отлар қаҳрамоннинг ёрдамчиси сифатида талкин этилади”¹⁴. Ўзбек достонларида от образи баъзан бош қаҳрамон даражасига кўтарилади. Қаҳрамон туғилган кун унинг бўлгуси йўлдоши – жанговар оти ҳам туғилади¹⁵.

¹² Культура и искусство древнего Узбекистана. Каталог выставки. Т. 1. М. 1991., с. 275, рис. 275.; Т. 2., с. 58., рис. 456.

¹³ Беленицкий А. М. Монументальное искусство Панжикента. М.: Искусство. 1973. табл. 46-49.

¹⁴ Фирсов С. Туркестан и Туркестанские породы лошадей». Туркестанский сборник. 478 том, с.110

¹⁵ Мусакулов А. Бойчубор-илохий от// Ўзбекистон адабиёти ва санъати журнали. 1998 й., №34, (34-70).

«Қопланди ботир» эпосида «ботир ва унинг отининг жони бир бўлар» деган нақл келтирилган¹⁶.

1988 йил Истамбулда чоп этилган профессор Баҳояддин Огул асаридаги «Достонларда от мусобақаси» бўлимида мусобақа бир жанг саҳнasi каби тушунтирилади. «Бир турк мифологиясида Манасни машҳур қилган нарса от устида кураш бўлган, чунки кофирга қарши ҳар бир кураш жанг каби шиддатли кечган»¹⁷ деб таъкидлайди.

Ушбу ёзма маълумотларда «Манасхон ва Кўхчахон жанг учун тўқнашганларида илк аввал икки армия (кўшин) ўртасида жанг олдидан от мусобақаси бошланиб, ойларча давом этган. Масалан: Манасхон ва қашқарлик Бокбурди кўшини ўртасида уч ой мусобақа бўлган, лекин якунига етилмаган. Манас билан Олмамбий учрашганда зиёфатлар қилинади ва от мусобақалари ўтказилган. Ундан сўнг ҳар иккиси Манаснинг онасини кўкрагидан эмиб ака-ука бўладилар».¹⁸ От мусобақаси ва ўқ отиш мусобақалари ўтказилган ва давлатнинг кучи шу орқали кўрсатилган»¹⁹.

Ватанимиз тарихининг қадимиј ёзма манбаси бўлган “Авесто”да чавандоз сўзининг келиб чиқиши тўғрисида шундай маълумотлар бор, яъни, «Тарихда қора тулпорни жиловлаган Сиёвшум тимсоли «Аспабарак» номи билан машҳурдир. Бу қадимги хоразм тилида отлиқ чавандоз деган маънони беради»²⁰.

Шу билан бирга, «Авесто»да қуёш худоси Митрага бағишлиланган қасидада

¹⁶ Орлова А. Казахский героический эпос. М.-Л.: 1945., с.85.

¹⁷ Bahaeddin Ögel (prof. Dr) Dünden bu'güne. Türk Kültürünn Gelisme Çağları нашри Türk Dünyası Araştırmaları Vakfı. İstanbul. 1998,786 б.

¹⁸ Bahaeddin Ögel (prof. Dr) Dünden bu'güne. Türk Kültürünn Gelisme Çağları нашри Türk Dünyası Araştırmaları Vakfı. İstanbul. 1998, 87 б.

¹⁹ Bahaeddin Ögel (prof. Dr) Dünden bu'güne. Türk Kültürünn Gelisme Çağları нашри Türk Dünyası Araştırmaları Vakfı. İstanbul 1998, 186б.

²⁰ Тохир Карим Муқаддас Авесто изидан. Т.: Чўлпон. 2000, 136 б.

«тўрт оппоқ тулпор абадий ва учқур аргумоқни» аравага қўшилгани, араваларнинг тузилиши ҳам тасвирланган²¹.

Амударёдан топилган, эрамиздан аввалги VI-V асрларга тегишли хазинада худди мана шу сўзларнинг иллюстрацияси эса «Авесто»даги воқеанинг тасвирланишидир.²² Қадимий тарихий манбаларимиздан яна бири «Алпомиши» достонида чавандозлик санъати, «Бойчибор» орқали отлар тавсифи, оммавий томошалар, пойга, улоқ-кўпкари жуда тушунарли тарзда баён қилинган.²³

Қолаверса, ёзма манбаларда Марказий Осиё халқлари орасида фарзандларини уч ёшидан от минишга ўргатишларининг ўзи бу ерда чавандозлик қай даражада кўтарилигини кўрсатади. Шуни айтиш керакки, туркий халқлар урф-одатларини тадқиқ этган А.А.Диваевнинг қирғизларга тегишли аза маросимлари тўғрисидаги маълумотларида ҳам от билан боғлиқ урф-одатлар кўрсатилган.²⁴ Бу одатни яхши сақланиб келинганлигини Г.Н.Симаков²⁵ асарларида ҳамда Валижонхожи Юлдошевнинг маълумотига кўра, 1980 йилда Қирғизистон республикаси Олабука тумани «Шокаптар» қишлоғида истиқомат қилувчи Турдали полvon хонадонида ҳам такрорланган. Бу одат бўйича отасининг вафот этганлигига бир йил тўлиши билан «йил оши»да жуда катта дастурхон ёзиб, эл олдига ош тортиқ қилиб, оммавий ўйинлардан бўлган «пойга» ташкил этилган. Пойга масофаси 20 км қилиб белгиланган²⁶.

²¹ Маҳмудов Т.Авесто ҳақида. Т.: Шарқ. 2000, 46 б.

²² МаҳмудовТ. ўша асар. –Б.47.

²³ Хушбок Мардонақул ўғли Алпомиши. Т.:Ёзувчи. 1998.-Б. 25,39-40, 43-44, 76-77.

²⁴ Диваев А.А. Известия общества. Туркестанский сборник .1897.Т.478.С.176.;

²⁵ Симаков Г.М. Общественные функция киргизских народных развлечений в конце XIX-начала XX века. Л.: Наука. 1984. С.140.

²⁶ Дала ёзуви.Валижон Йўлдошев 1937 йилда Фарғона вилояти Учкупприк тумани Сарикўргон қишлоғида туғилган,миллати ўзбек.

Бундай анъанавий маросим тўғрисида муҳим маълумотни Филипп Назаров шундай тасвирлайди: «...Тўртагул волостига келганимизда қирғиз бийларидан бирининг вафоти муносабати билан «йил оши» берилаётган экан ва мархумнинг бадавлат қариндошлари 80 та от ва 60 та кўй сўйиб, катта байрам ташкил этишган экан. Кун ярмидан оғган пайтида 40 “верст” узоқликка оломон пойга учун марра белгиланди ва пойга бошланди. Отларнинг маррага қадар етиб келгани жуда оз бўлди. Йўлда анча отлар ётиб қолди, ҳатто ўлиб ҳам қолаётган эди. Биринчи ўрин олган чавандозга 75 та от ва 7 та қалмиқ, иккинчи ўринга 40 та от ва 25 та мол, учинчи ўринга 30 та мол ва 20 та кўй ва бошқа ўринлар учун ҳам турли совринлар белгиланган. Охирги ўрин учун эса 1 та бия белгиланди. Пойгадан сўнг ҳамма мархумга дуолар ўқиб, тарқалдилар».²⁷

Юқоридаги маълумотни Г.П.Снесарев тўлдириб, қирғизлар «ҳатто таъзияда ҳам улоқ ва бошқа ҳар хил мусобақалар ўtkazилган», деб ёзади.²⁸

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўрта Осиё халқларида от билан боғлиқ бундай маросимлар тўғрисида тарихий ва бадиий асарларда ҳам кўп маротаба тилга олинган. Жумладан, минг йиллик тарихга эга бўлган, Абулқосим Фирдавсий қаламига мансуб «Шоҳнома» достонида ҳам мазкур одат тўғрисида кимматли маълумотлар келтирилган.²⁹ Ўйинларга этник маданият нуқтаи назаридан ва уларга турли этносларга таъсири масаласини инобатга олмай баҳо бериш мумкин эмас. Шунингдек, халқ ўйинлари хоҳ катталар ўртасида бўлсин, хоҳ болалар томонидан ижро этилсин,

²⁷ Назаров Ф.Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. М.: Наука, 1968., с. 24-25.

²⁸ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М. 1969., с. 123.

²⁹ Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Танланган достонлар. Т.: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1984., 33, 34, 390-395, 504, 505-б.

уларни диний эътиқодлардан холи ўрганиб бўлмайди. Чунки, эътиқодлар халқларда, айниқса, қадимдан шаклланган ва цивилизация босқичларида камол топган Марказий Осиё халқларида одамларнинг табиат сирларига тушунишга интилишлари, диний эътиқодлар билан қоришиб кетган. Диний эътиқодлар билан бирга қадимги одатлар вужудга келган. Бу одатлар табиат ва ҳайвонларга сифиниш маросимлари орқали аждодларнинг тарихий илдизларига бориб тақалади. Таъкидлаш жоизки, халқ ўйинлари ўз-ўзидан эмас, балки эҳтиёж асосида вужудга келган. Уларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиш даври турли босқичларда кечганилиги туфайли мифологик қарашлар замирида асослашга уриниш сезилади. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, давр ўтиши билан халқ ўйинлари кишилар ҳаётининг муҳим таркибий қисми бўлиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиши ҳамда замонга мослашиб, ривожланиши жараёнлари юз берган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются некоторые народные игры,ственныеные народам Средней Азии, их типология и исторические корни.

RESUME

In the article some folk public games of Middle Asia, their typology and historical origin are reviewed.

БУХОРО ТАСАВВУФ МАКТАБИННИГ САРЧАШМАЛАРИ

**Рахимов К.Р.- Ўзбекистон
Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
тадқиқотчиси**

Амалий асослар. VIII-IX асрларда диний ва дунёвий илмлар ёнма-ён ҳолда ривожланиб бораётган бир паллада Бухорода тасаввуфий-ирфоний қарашлар ва фикрлар ҳам куртак оча бошлади.

Яъни, диний ва дунёвий (хадис, тафсир, фикх, калом; сарф-нахв, адабиёт, тарихнавислик, фалсафа, табиат-шунослик, тибиёт, нужум) илмларнинг уйғун ҳолда ривожланишини Бухородаги илк тасаввуфий фикрларнинг юзага келиши ва аста-секин ўзига хос тасаввуф мактаби даражасигача шаклланишининг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этишга тўғри келади. Бошқача айтганда, тасаввуфий фикрларнинг Бухоро шароитида шакллана бошлиши ва мўғуллар истилосигача бўлган давр мобайнида бу ерда ўзига хос тасаввуф таълимоти ва тасаввуфшунослик мактабининг юзага келиши табиий ҳол эди. Зеро, Мовароуннахрнинг VIII-IX асрлардаги маънавий муҳити Бухорони йирик диний-илмий марказга айлантириб, бир томондан диний, иккинчи томондан, дунёвий илмларни ривожлантириш асосида тасаввуфий-ирфоний фикрларнинг шаклланиши ва ривож топишига ҳам кенг йўл очиб берган эди. Бошқа томондан, Хуросондан тортиб Арабистон ярим оролигича, Арабистондан бошлаб Шимолий Африкагача катта тезлик билан кенгайиб ва ривожланиб бораётган ислом оламидаги янги ғоявий, диний, илмий жаравён – тасаввуф таълимотининг Бухородек муҳим сиёсий, диний ва маданий марказга кириб келмаслиги мумкинми? Албатта, йўқ. Улуғ файласуф Ибн Халдун таърифлаганидек, тасаввуф “дин бағрида пайдо бўлган шариат таълимотларидан биридир. Биринчи мусулмонлар, хурматли сахобалар ва тобеинлар орасида пайдо бўлган сўфийларнинг йўли кейинчалик ҳам тақво ва Ҳақ йўли деб ҳисобланган. Дарҳақиқат, бу сўз (“сўфий” сўзи) “ибодатга гарқ бўлиш, Худо учун ҳамма нарсадан кечиш, Худога хизмат қилиш мақсадида хилватда ўтириш, дунёвий зебу зийнатдан қайтиш, нафсоний ҳирсу ҳавас, бошқалар интилган бойлик, мансаб, шуҳратни тарқ этишни” англатиб келади. Сахобалар орасида шундай ҳаёт тарзи бор эди. Аммо ҳижрий иккинчи (м.VIII) асрда, бойлик ва майшатга,

фаҳшга берилиш анъанага айлангач, “сӯфий” сўзи фақат Парвардигор хизматига ўзини бағишлаган кишиларга нисбатан ишлатиладиган бўлди. Кушайрий (Худо уни раҳмат қилсин) деганки, “бу сўзниң келиб чиқишини луғатшунослик орқали топиш мумкин эмас; эҳтимол, у мансаб ёки мартабани белгилаб келгандир. Бу сўзниң “сафо”, “саф” ёки “суф” сўзидан келиб чиқсанлиги ҳақидаги таҳмин ҳақиқатдан узоқ, чунки сӯфийлар жун кийим кийиб юрмаганлар”. Аммо мен (Ибн Халдун) шуни тасдиқлайманки, бу сўзниң “суф”дан келиб чиқишини энг тўғри деб билмоқ лозим. Сабаби шуки, бу оқим тарафдорлари дарҳақиқат жун кийим кийиб юрганлар ва бу билан қимматбаҳо кийим кийиб юрувчиларга нисбатан норозиликларини изҳор этганлар”³⁰.

Ислом тамаддунининг вужудга келиши даврида пайдо бўлиб, унинг инқирози даврида янада ёрқинроқ кўрина бошлаган ва турли тариқатлар фаолиятида ўзини намоён этган тасаввуф таълимоти ислом динининг дастлабки давларида мавжуд эмас эди. Бирок,

³⁰ Ибн Халдун. Муқаддима. М. П. Гунободий таржимаси . – Техрон: Энтэшорот-э таржумэ-йё осор, 1345, 467 б. Улуғ мутасаввиф олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Бухорий ал-Калободий (ваф. 380/991) ҳам кўплаб мисоллар орқали шу фикрни тасдиқлайди: “Агар биз ҳақиқатни айтадиган бўлсак, жундан уст-бош кийишлиқ пайғамбарларнинг уст-бошларига ҳавасдандир, Аллоҳ таоло авлиёларининг зебу зийнатларидир. Абу Мусо ал-Ашъарий Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиласиди, иссиқ (ёниб турган) коя ва тошлар устида оёқ яланг, устлари жулдур етмиш (70) пайғамбар “Байт ул-Атик” (Эски Каъба)да намоз ўқир эдилар. Ваҳб ва Ҳасан айтдилар: Исо алайхиссалом жундан кийинар эдилар, дарахтнинг мевасидан тановул қилар эдилар (ер эдилар), уйқудан тургандек ётар эдилар (яни, кам ухлар эдилар). Абу Мусо ал-Ашъарий айтдилар: Ҳатто Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам жундан кийинар эдилар...” (Қаранг: Шайх ал-Колободий. Тасаввуф сарчашмаси (Ат-Таъарруф – тасаввуфи танишириш китоби). Арабчадан Отакул Мавлонкул ўғли ва Мавлуда Отакул қизи таржимаси. – Т.:Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2002., 17 б.).

зоҳидлик умумий маънода пайғамбар (с. а. в.) даврларидан бошлаб бор эди.

Гарчанд тасаввуфнинг юони, ҳинд ва бошқа ғайриисломий манбалардан ҳам озиқланганини инкор этиб бўлмаса-да, ислом динини янгича бир йўсинда қабул қилишдан юзага келган зоҳидлик (аскетизм), ислом оламида тасаввуфнинг шаклланишига катта таъсир етказди. Ижтимоий воқеалар, сиёсий ва мазҳабий курашларнинг ҳам зоҳидлик ва ундан сўнг тасаввуф таълимотига таъсирини ҳисобдан чиқариб бўлмайди. Зоҳидлик тасаввуфнинг илк (ибтидоий) кўриниши бўлса-да, айнан тасаввуфнинг ўзи бўлолмайди. Зоро, “агар зоҳидликни алоҳида ҳаёт тарзи деб ҳисблайдиган бўлсак, тасаввуфни дин фалсафаси ва ўзига хос дунёқараш дейишимиз тўғри бўлади”³¹.

Тасаввуф тарихига оид манбаларда қайд этилишича, жумладан, “Ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф” (Абу Бақр Калободий) асарида илк машҳур сӯфийлар қаторида зикр этилган хуросонлик Иброҳим Адҳам³²дан сўнг зоҳидлик ва гўшанишинлик Хуросон шаҳарлари ва қишлоқлари узра кенг ёйла бошлади.

Бошида фақат ўзига хос маънавий-ахлоқий тарзи бўлган ва кўпроқ амалий йўналишда кўзга ташланган ҳамда одамлардан алоҳида билим ва дунёқарашни талаб қилмайдиган тасаввуф IX–X асрларда оддий ҳалқ орасида оммавийлашиб, ижтимоий воқеа-ҳодисалар, диний, ахлоқий ва маънавий ҳаёт билан ҳамоҳанг тарзда тараққий этиш имкониятига эга бўлди. Чунки бу даврда кечеётган мураккаб сиёсий ва мазҳабий жараёнлар, умавийлар ва аббосийлар халифалиги давридан кенг

³¹ Ҳана ал-Фахурий, Ҳалилубжар. Ислом дунёсида фалсафа тарихи. Араб тилидан форс тилига Абулмуҳаммад Оятий таржимаси. – Техрон: Китоби замон. 1355, 247-248 б.

³² Эронлик олим Абдулхусайн Зарринкўб Иброҳим Адҳамнинг илк машҳур сӯфийлардан бўлганини назарда тутиб, Хуросонни “тасаввуф бешиги” деб атайди. Бу ҳақда қаранг: Абдулхусайн Зарринкўб. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе: Ирфон, 1992, 32–76 б.

илдиз ота бошлаган айш-ишрат ва дунёвий ҳузур-ҳаловатга қизиқиши, исён ва қўзғолонлар секин-аста жамият ахлини тасаввуфга юз тутишга бошлади.

Бухоро тасаввуф мактабининг амалий сарчашмалари ҳақида фикр юритар эканмиз, VIII аср охирларида Бухоронинг ўзида шаклланган зоҳидлик (аскетизм) мактабига (Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий, Абу Аттоб аз-Зоҳид ал-Бухорий...) ҳам эътибор қаратишимизга тўғри келади. Бу мактаб, асосан бир гуруҳ факих, муҳаддис ва муфассирлардан таркиб топган бўлса-да, мазмун ва характеристига кўра Расулulloҳ (с. а. в.) давридаги “аҳл ас-суфа” одобахлоқи ва турмуш тарзига тақлид этиш анъанаси заминида, давр ҳукмдорларининг ҳашаматли ҳаёти ва омманинг фисқу фужуридан узлатга чекиниш принциплари асосида вужудга келган эди. Самъоний бу тоифанинг Бухорода кенг тарқалганлигига ишора этиб ўтади³³. Манбаларда берилган маълумотларга қараганда, Бухоро зоҳидларининг аксар қисмини дин уламолари ташкил этган. Шунинг учун бўлса керак, бу ерда шаклланган тасаввуфий муҳит ҳам кўпроқ илмий-назарий характерга эга бўлган. Тарихий манбалар Бухорода шаклланган тасаввуфий-ирфоний муҳитнинг ривожига зоҳиран қараганда зоҳид, аммо аслида ўз даврининг машҳур олимлари бўлган Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулазиз³⁴, Абу Сайд Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ал-Восилий³⁵ ва Абул Қосим Восил ибн Ҳамза ибн Али ас-Суфий ал-Бухорий³⁶ каби илк сўфий ва зоҳидлар катта ҳисса қўшганлар. Бухоро зоҳидлари ўрта ҳол яшаш имкониятига эга бўлсалар ҳам, факирлик ва зоҳидлик йўлини тутишни афзал топган кишилар

бўлгандар. Жумладан, Амир Наср ибн Аҳмад Абу Аттоб аз-Зоҳид ал-Бухорийни муҳтасиб мансабига таклиф қилган, аммо у бу вазифани рад этган³⁷. Тасаввуф жараёнининг бошланғич кўриниши хисобланган ушбу ижтимоий-маънавий ходиса юзага келмаганида эди Бухорода тасаввуфий-ирфоний фикрлар ҳам вужудга келмаган ва ўзига хос илмий-назарий тасаввуфшунослик мактаби даражасигача кўтарилимаган бўлар эди.

Назарий асослар. IX асрга келиб, Хурсоннинг Балх шаҳрига чегарадош бўлган Термиз шаҳри тасаввуф таълимотининг бутун Хурсон ва Мовароуннаҳр минтақасидаги энг муҳим марказига айланди. Бу даврда “Термиз Мовароуннаҳрнинг Бухоро ва Самарқанд каби шаҳарларини бутун шарқда илмий-маданий марказ сифатида шуҳрат қозонган Балх шаҳри билан боғлаб турган”³⁸ лиги билан ҳам характерланади. Тарихшунос олим С. Турсунов Термиз шаҳри тасаввуф ва ҳадис илмининг Хурсондан Мовароуннаҳрга кириб келишида кўприк (чорраҳа) вазифасини ўтаган³⁹, деган хулоса чиқаради. Бу фикрнинг биринчи қисми – “...тасаввуф Хурсондан Мовароуннаҳрга кириб келган”, деган жойини қабул қилиш мумкин. Чунки, тарихий манбалар ва тадқиқотлар ҳадис илми Хурсондан Мовароуннаҳрдан Хурсонга ва бутун ислом оламига кириб борганлигини тасдиқлади. Қолаверса, Мовароуннаҳрнинг ўша даврдаги маркази – Бухорода ҳадис илми И мом ал-Бухорийдан олдинроқ ҳам ривожлана бошлаган эди. И мом ал-Бухорийнинг ўзи ҳам ҳадис илмига оид илк сабоқларни бухоролик муҳаддис олимлардан олганлиги ва ҳатто ўз ҳадисларида бухоролик муҳаддислардан ривоят

³³ Ас-Самъоний. Ал-Ансоб. 7-ж., 254 б.

³⁴ Ўша манба, 14-ж., 163–164 б.

³⁵ Ўша манба, 13-ж., 264 б.

³⁶ Ал-Хатиб ал-Бағдодий, Абу Бакр Аҳмад ибн али. Таъриху Бағдад ва маданат ус-салам мунзу таъсисуҳа хатта сана 463 хижрия. – Мадина ал-мунаввара: “Ал-Мактаба ас-салафия”. 13-ж., 523 б.

³⁷ Аз-Зандавистий. Равзат ул-уламо (қўлёзма). 223 б.

³⁸ Усманов И. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Наводир ул-усул” асари – ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба: Тар. фан. ном. дис., 25 б.

³⁹ Турсунов С. Термизий буюк сиймолар. – Т.: Шарқ, 2002 й., 7-8 б.

қилганлиги ҳақида “Ат-Тарих ал-кабир” ва бошқа манбаларда маълумот берилади⁴⁰.

Зеро, Бухорода бошқа минтақалардан фарқли ўлароқ, айнан ҳадис ва фикр илмларининг катта суръат билан ривожланиб бориши тасаввуфий фикрларнинг шариат аҳкомлари, айниқса, ҳанафия фикҳи билан уйғун ҳолда шаклдана бошлашига мустаҳкам замин яратди.

Шаҳар муҳаддислар, ҳадис ёдлаганлар, унга қизиққанлар, уни йиғиш билан шуғулланадиганлар билан тўлди, ҳаттоқи Расулуллоҳ (с. а. в.) ҳадисларини ўрганадиган ҳар бир толиби илмнинг ватанига айланди⁴¹. Бу нарса Имом Муслим ибн ал-Ҳажжожни “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” китобини ёзиш давомида Бухорога боришига ундалган. У Бухоро олимларидан кўпгина ҳадисларни ёзib олган. Улардан Расулуллоҳ (с. а. в.)нинг ушбу сўзлари: “Узумни карам деб номламанглар, карам (саховатлилик) мусулмон кишидир”⁴². Расулуллоҳ (с. а. в.) ҳадисларига эътибор фақат эркак илм толиблари билан чекланмади, балки бухоролик аёллар ҳам бу илмга қизиққанлар. Жумладан, Саййида Сакина бинт қози Абу Зарр ал-Бухорий номли аёл бобоси Муҳаммад ибн Юсуф ибн ал-Ҳакам ал-Бухорийдан ҳадиси шарифларни ривоят қилиш учун мажлислар ўтказган. Унинг бобоси Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг дўсти бўлган⁴³.

Ҳадис ривоятчиларининг баъзилари “Муснад”, яъни ҳадисларни санадидан ривоятигача айта оладиган олим номини олдилар. Жумладан, “Муснад” унвонини олган ҳадис ривоятчиларидан бири Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Собир ибн Котиб ва

⁴⁰ Ал-Бухорий. Ат-Тарих ал-кабир. 1-ж., 134 б.; Аз-Заҳабий. Шамсииддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон. Тазкират ул-хуффоз. Хиндистон: Доират ул-маориф ал-усмонийя, 1965, 2-ж., 604 б. Ас-Суютий. Табакот ул-хуффоз. 269 б.

⁴¹ Ас-Суютий. Табакот ул-хуффоз. 409-б.; Ал-Хонсорий. Равзат ул-жаннот. 4-ж., 209 б.

⁴² Аз-Заҳабий. Тазкират ул-хуффоз. 2-ж., 677 б.

⁴³ Ибн Мокуло. Ал-Икмол. 4-ж., 316 б.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан ибн ал-Ашъас бўлган⁴⁴.

Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Ҳалимийга “Аҳли ҳадис раиси” деб ном берилган. Уни Ибн Ҳалликон шундай тавсифлаган: “У мурожаат этиладиган буюк имомга айланди”⁴⁵. Ас-Субукий эса уни шундай тасвиrlаган: “Мовароуннардаги донишманларнинг ёлғизи ва уларнинг энг зўри бўлган. У 388/998 йили вафот этган”⁴⁶. Бухоронинг бир қанча олимлари “Бундор” лақабини олганлар. Абу Солиҳ Ҳалаф ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Ҳайём (ваф. 361/971) шулар жумласидандир. У “Бухоро бундори” ёки “Бухородаги ҳадис бундори” ёки бухоролик ҳадис аҳли учун “бундор” деб сифатланган⁴⁷. “Бундор” сўзи луғатда “кўп моли бўлган тижоратчи”ни билдиради⁴⁸. Гўё тарихчилар бу лақабни бериш билан бу шайх илмини, кўп ёд олгани ва кўп ҳадис ривоят қилганини баён этмоқчи бўлганлар. Яъни, илм олиш ва Расулуллоҳ (с. а. в.)нинг ҳадисларидан сабоқ олиш учун унинг хузурига боришиган.

Баъзи олимлар “Ҳадис аҳли имоми” ёки “Ҳадис соҳиблари аъёнларидан”⁴⁹ деган унвон олганлар. Ҳадис олимларининг аксарияти уларнинг бошида Имом ал-Бухорий, Имом Муслим ва Имом ад-Доракутний турган бухороликлардан ҳадис ривоят этганлар.

IX-X асрларда Бухорода ҳадис илми борасида катта илмий ҳаракат ҳукм сурган. Ривоят қилинишича, бир куни

⁴⁴ Аз-Заҳабий. Тарих ул-ислом. 617 б.

⁴⁵ Ибн Ҳалликон. Вафиёт ул-аъён. 2-ж., 137 б.

⁴⁶ Ас-Субукий. Табакот уш-шофия ал-кубро. 4-ж., 333 б.

⁴⁷ Қаранг: Ан-Насафий. Ал-Қанд. 25 б. Ас-Самъоний. Ал-Ансоб. 5-ж., 251 б.; Аз-Заҳабий. Тарих ул-ислом. 280 б. Ас-Сафдий. Ал-Вафий бил вафаёт. 13-ж., 362 б.

⁴⁸ Бу форсий сўз бўлиб, мол сотиб олиб, кимматлашгунга қадар сақлайдиган тижоратчи маъносини билдиради. Қаранг: Ас-Самъоний. Ал-Ансоб. 2-ж., 335 б.

⁴⁹ Ибн ас-Салоҳ. Табакот ул-фуқаҳо. 1-ж., 100 б. Ас-Самъоний. Ал-Ансоб. 12-ж., 125 б. Ибн ал-Жавзий. Ал-Мунтазам. 15-ж., 47 б. Ибн ал-Касир. Ал-Бидоя. 11-ж., 335 б.

одамлар қирқта оғир юкни ўз ичига олган карвонни кўришган. Кўрганлар унинг кўплigliги ва ҳажми катталигидан кийим-кечак деб ўйлашган. Диққат билан қарашса, унда Расулуллоҳ(с. а. в.)нинг ҳадислари тўпламлари бўлган⁵⁰.

Бухорода ривожланган ҳадис ва фикҳ илмлари билан бирга, “Илм унназар”, “Усул уд-дин” каби илмлар ҳам энг юксак даражада ривожланган. Маълумки, бу илм ҳужжатларни келтириш, диний ақидаларни исботлаш орқали шубҳаларни бартараф этиш билан шуғулланади. Имом Абу Ҳанифа уни “Ал-Фиқҳ ал-акбар” деб номлаган. Бу илм ҳам бухоролик мухаддис ва факиҳларнинг диққат марказида бўлган. Исломшунос олим Усмонхон Алимовнинг тўғри таъкидлашича, “Бухоро факиҳлари томонидан усул ва фуруъ бўйича яратилган кенг қамровли асарлар, шунингдек, қалом илми (усул уд-дин) соҳасида ёзилган бир қатор китоблар (масалан, Нуриддин Собуний асарлари) шундан далолат берадики, ҳанафий фикҳ мактаби ривожида улар илғор ўринда туриб, Бухорони Мовароуннахр атоқли факиҳларининг фаолият марказига айлантириб келганлар”⁵¹. Қалом илмида машҳур бўлган бухоролик олимлардан бири “Амин” унвони билан танилган Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Бухорий (ваф. 340/951)дир. Шундай илмлардан яна бири бухоролик олим Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар ад-Дабусий асос солган “Илм ул-хилоф” (қиёсий ҳуқуқшунослик)дир. Дабусий бу соҳада “Ал-Асрор”, “Тақвим ул-адилла” ва “Ал-Фатово” каби бир қатор қимматли асарлар тасниф этган. Бу илмда ақл муҳокама қилиниб, буйруқ берадиган мантиқий курашга яқин туради.

Агар тасаввуф таълимотининг иирик намояндаларидан бири, тасаввуфда “сукр” (хушёрлик) йўналишини бошлаб берган улуғ сўфий – Жунайд Бағдодийнинг “Куръонни ёддан билмаган

⁵⁰ Каранг: Аз-Захабий. Тарих ул-ислом.323–324 б.

⁵¹ Усмонхон Алимов. IX–XI асрларда Самарқандда қалом илмининг ривожланиши. 61 б.

ва ҳадис ёзиб олмаган кишига иқтидо этманлар. Чунки, бизнинг илмимиз Китоб (Қуръон – К. Р.) ва Суннатга боғлангандир⁵² деган кўрсатмасига диққатни жалб этадиган бўлсак, Бухоро тасаввуф мактабининг иккинчи асосий манбаи ҳадис илми эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа қолмайди.

Зеро, тасаввуф аҳли учун асосий манба Қуръони карим, иккинчи манба Расулуллоҳ (с. а. в.) суннатлари (Ҳадис), ижмо, қиёс ҳамда саҳобаларнинг намунали хулқ-атвори ва эзгу амаллари саналган. Шайх Калободийнинг “Китоб ат-таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф” ва Мустамлий Бухорийнинг “Шарҳ ат-таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф” асарларида кўпгина масалалар баёнида аввал Қуръони карим оятлари, сўнг Расулуллоҳ (с. а. в.) ҳадислари, ундан сўнг саҳобалар, дин пешволари ва тасаввуф шайхлари айтган ҳикматларга мурожаат қилиниши ҳам шу фикри тасдиқлайди.

Бироқ, Бухоро тасаввуф мактабининг вужудга келиши ва шаклланишида VIII–X асрларда ривожланган Самарқанд илоҳиёт мактабининг таъсирини ҳам инкор этиб бўлмайди. Самарқанд ҳанафийлик илоҳиёт мактабининг машҳур намояндалари – Абу Наср ал-Иёдий, Абу Бакр ал-Жузжоний, Абу Муқотил ас-Самарқандий (ваф. 208/823)⁵³, Абу Бакр ас-Самарқандий (ваф. 268/881), Имом Абу Мансур ал-Мотуридий (ваф. 333/944) ва Ал-Ҳаким ас-Самарқандий (ваф. 342/953)ларнинг фикҳ, илоҳиёт (қалом) ва тасаввуфга оид қарашлари Бухорода тасаввуфий фикрларнинг вужудга келиши ва кўп ўтмай ўзига хос бир мактаб сифатида шаклланишига бевосита таъсир кўрсат-

⁵² Абу Али Усмоний. Таржумай Рисолай Қушайрия. – Техрон: Бунгоҳ-э таржумэ ва нашр-э кетоб, 1345, 52 б.

⁵³ “Китоб ал-олим ва ал-мутаъаллим” китоби муаллифи. Унинг Имом Абу Ҳанифа билан шахсан таниш бўлганилигини тахмин килишади. Бу ҳақда каранг: Улрих Рудольф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиётги. – Т.: Имом ал-Бухорий ҳалқаро жамғармаси, Фридрих Эберт жамғармаси, 2002, 44-45 б.

маслиги мумкин эмас эди. Зотан, Самарқанд илохиёт мактабининг ўзи тасаввуф таълимоти ўртага ташлаган масалалар – тавҳид, нубувват, имон ва куфр, хавф ва ражо, охират, жаннат ва дўзах, қазо ва қадар, Аллоҳнинг мавжудлиги, ягоналиги, сифатлари каби диний-ақидавий баҳслар таҳлили ва мухокамаси жараёнида ихтиёrsиз рaviшда ушбу қудратли таълимотнинг нуқтаи назарлари билан келишиш ва муроса этишга мажбур бўлган. Бундай ҳолат, яъни ақидавий жиҳатдан ашъария қалом мактаби мавқеида бўла туриб, сўфиylарга эргашиш ёки ақидада мотуридия илохиётининг издоши бўла туриб, ўзини сўфий деб билиш турли сиёсий-ижтимоий ва диний-ақидавий мазҳаблар ва оқимлар ўртасидаги кескин ва ҳатто қонли кураш ҳамда низолар гирдобида қолган давр – VIII–X асрларда кўплаб учрайди. Сиёsat ва дин арбоблари орасида анча оммавий характер касб этган ушбу ҳолатнинг натижаси ўлароқ, Мотуридия қалом мактабининг асосчиси – Имом Абу Мансур ал-Мотуридий ҳам зоҳидона ҳаёт тарзини кечиришини маъқул топган. Имом Мотуридий ҳакида ўзининг “Усул уд-дин” номли рисоласида энг ишончли маълумотларни ёзиб қолдирган Абул Юср ал-Паздавий (ваф. 493/1100) ҳам буни тасдиқлайди ва “Ал-Мотуридийни авлиёлар ва зоҳидлар даврасига олиб киради”⁵⁴. Гарчи кейинги даврлардаги тасаввуф тарихига оид энг мўътабар манбалардан бири – Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” асарида ҳам Ал-Мотуридий “Шайх алам ул-ҳуда” (Ҳидоят байроғи шайхи)⁵⁵ унвони билан тилга олинган бўлса-да, олмониялик машҳур исломшунос олим – Улрих Рудольф Имом ал-Мотуридийнинг сўфий бўлганлигини рад этиб, “бизда буни исботловчи ҳеч қандай далил йўқ”,

⁵⁴ Улрих Рудольф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илохиёти. – Т.: Имом ал-Бухорий ҳалқаро жамғармаси, Фридрих Эберт жамғармаси, 2002, 115 ва 120 б.

⁵⁵ Нуриддин Абдураҳмони Жомий. Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ал-қудс. Муқаддима, тасҳех ва таълиқоти дуктур Махмуд Обидиний. – Техрон: “Суҳан”, 1386, 157 б.

– деган узил-кесил хulosса чиқаради⁵⁶. Унингча, “Ал-Мотуридийнинг бизгача етиб келган биронта рисоласида тасаввуфга бағишланган мавзуу йўқ. Йўқолган рисолаларнинг ҳам ҳеч бири, номидан қиёс килсак, муаллифнинг бундай мавзуларга қизиқанини кўрсатмайди. Ва ниҳоят, ал-Мотуридийнинг исми мутасаввиflарнинг кейинги биографик мажмуаларида тилга олинмайдики, бу улар олимни ўз тоифаларига мансуб деб билмаганларидан далолат беради”⁵⁷. Аммо масаланинг чигаллигидан тезкор хulosалар чиқаришни хуш кўрадиган европалик муаллифни барибир муросага келиш ва бироз олдинроқ билдирган фикрларини шубҳа остига олишга мажбур этади: “Ал-Мотуридийнинг илохиётга оид фикр ва тасавvурлари сўфиёна фикрлаш тарзи таъсирида бўлганми ё йўқми деган савол, бу энди алоҳида мавзудир. Мовароуннаҳрда IX–X асрда бунинг ҳеч ажабланарли ери йўқ. Зоро, аввал кўриб ўтганимиздек, ҳудуддаги ҳанафия илохиётини сўфиёна ғоялардан ҳар вакт ҳам аниқ ажратиб олиш қийин. Ибн Карром ўз таълимотида ҳар иккаласини бирлаштирган ҳамда зоҳидликка алоҳида урғу берган. Ал-Мотуридийнинг замондоши Ал-Ҳаким ас-Самарқандий ҳам қози, ҳам мутасаввиf сифатида танилган эди. Бундан бир неча ўн йиллар ўтиб, тасаввуф назарияси ва амалиётига оид қўлланма “Китоб ат-таъарруф ли-мazҳab аҳл ат-тасаввуф”ни яратган бухоролик олим ал-Калободий (ваф. 380/990) ўзини илохиёт назарияларининг чуқур билимдони сифатида намоён этган”⁵⁸. Демакки шундай экан, Абу Мансур ал-Мотуридий ҳам сўфиёна ҳаёт ва тафаккур тарзи билан яқиндан ошно бўлганлиги ва ҳатто ундан маълум даражада таъсиrlангани ҳам эҳтимолдан унча узоқ эмас. Қолаверса, IX асрда Ҳаким ат-Термизий бошчилигидаги Термиз ва Балх

⁵⁶ Улрих Рудольф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илохиёти. 120 б.

⁵⁷ Ўша китоб. 120-121 б.

⁵⁸ Ўша китоб. 121 б.

атрофида шаклланган “Ҳакимия” тасаввуфий-ирфоний мактаби ва худди шу даврда Мовароуннахр фикҳ мактабининг асосчиси – Абу Ҳафс Кабир Бухорий бошчилигидаги Бухорода шаклланган зоҳидона ҳаёт тарзи Самарқанд илоҳиёт мактаби намояндаларини ҳам ўз таъсир доирасига олмаслиги мумкин эмас эди. Ал-Мотуридий таълимотининг Бухоро тасаввуф мактаби намояндалари томонидан осонликча қабул қилингани ҳам мотуридия ва умуман Самарқанд ҳанафия илоҳиёти мактабининг зоҳидона-сўфиёна ғоялар билан қоришиқ ҳолда шаклланганини кўрсатади.

Ислом тарихида “Сиҳоҳ ус-ситта” номи билан машҳур бўлган олти ишончли ҳадис тўпламларининг муаллифлари – Имом ал-Бухорий (ваф.256/870), Имом Муслим (ваф.261/874), Имом Абу Довуд (ваф.275/888), Имом ан-Насой (ваф.303/915), Имом Абу Исо ат-Термизий (ваф.297/892) ва Имом Ибн Можа (ваф.273/886) билан замондош бўлган буюк мутасаввиф ва мухадис Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг тасаввуфий-ирфоний таълимоти, айниқса унинг “валоят” ҳақидаги назарияси IX асрдаги Хурсон ва Мовароуннахр ижтимоий ҳаётида катта фикрий-маънавий инқилоб яратган эди. Бу улуғ мутафаккир яшаган даврда Хурсон ва Мовароуннахр бирбири билан баъзи масалаларда зиддиятли бўлган турли мазҳаблар, хилма-хил ақидавий оқимларнинг тўқнашув майдонига айланган, турли хил қарашлар вакиллари бир жойда ёнма-ён яшаса-да, ҳар бири ўз йўналишида таассуб ва ғулувга ботиб қолган эди. Шунинг учун ҳам ушбу минтақада контрастлик, таассуб ва ғалаён руҳи жамият ҳаётининг турли жабҳаларида ҳумрон эди⁵⁹. Ана шундай сиёсий, ижтимоий, диний, ақидавий ва мағкуравий қурашлар гирдобидан қалқиб чиқсан “Ҳакимия”

⁵⁹ Усманов И. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Наводир ул-усул” асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид мухим манба. Дис. ...тар.фан.ном. – Т.: ТИУ, 2006, 26 б.

(асосчиси Ҳаким ат-Термизий) ирфоний мактабининг ҳам замон, ҳам макон нуктаи назаридан унча узоқ бўлмаган Бухоро тасаввуф мактабига таъсир кўрсатмаслиги тарихий ҳақиқатга унчалик тўғри келмайди. Чунки, Бухоро тасаввуф мактаби аввалига зоҳидлик билан бошланган бўлса-да, иккинчи босқичда, айниқса, Хасрга келиб, илмий-назарий бир мактаб сифатида шаклланди ва шуҳрат қозонди. Агар Термиз тасаввуф мактаби – “Ҳакимия” таълимотининг муршид ва мурид муносабатлари асосида эмас⁶⁰, балки тасаввуф ҳақида илмий-назарий рисолалар ва шарҳлар битиш принципи асосида шаклланганини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу мактабининг Бухоро тасаввуф мактабига ўрнак ёхуд дастуриламал вазифасини ўтаганини аник-тиниқ тасаввур қилишимиз мумкин. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг тасаввуф таълимотининг буюк назариётчиси Шайх ул-акбар Муҳиддин ибн ал-Арабий қарашларига (хусусан, “Хатм ул-валоят” ва валоят масаласида) таъсири масаласи эронлик машҳур исломшунос олим – Абдулҳусайн Зарринқўб⁶¹ ва унга эргашиб, бошқа олимлар, жумладан, ўзбек олимларининг тадқиқотларида ишора этиб ўтилади⁶². Аммо унинг ўзидан кейин бор-йўти юз йилча сўнг Бухорода зуҳур этган илмий-назарий тасаввуф намояндалари – Шайх Калободий ва Мустамлий Бухорий қарашларига таъсири масаласи ҳалигача тадқиқотчилар дикқат-эътиборидан четда қолиб кетмоқда. Шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратишга тўғри келади: Бухоро тасаввуф мактаби асосчиларидан бири – Абу Бакр Калободий тасаввуф тарихи ва умуман ислом тафаккури тарихида катта илмий-

⁶⁰ Ўша жой. 82 б.

⁶¹ Абдулҳусайн Зарринқўб. Жусту жў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе: “Ирфон”, 1992, 49 б.

⁶² Жаъфар Холмўминов. Нақши таълимоти Ибн ал-Арабий дар таъмики жанбаҳои ирфонии тариқатҳои сўфияи Осиёи Марказий. /”Сино”, 2006, қиши. №24, 61 б.; Усманов. И. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Наводир ул-усул” асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид мухим манба, 135 б.

маърифий воқеа бўлган асари – “Ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф” номли китобининг 2-боби – “Сўфий кишилар”, 3-боби – “Ишорат илмларидан нашр қилганлар ва китобу рисолаларини ёзган кишилар”, 4-боби – “Муомалот илми бўйича тасниф қилган кишилар”да тасаввуф таълимотининг йирик намояндаларини зикр этиб ўтади, аммо Ҳаким ат-Термизийни тилга олмайди⁶³. Хўш, Мовароуннахрнинг илк улуғ мутасаввифини тилга олмай, унинг энг яқин шогирдларидан бири – Абу Бакр ал-Варрокни (4-бобда) зикр этиб ўтишнинг⁶⁴ сабаби нимада? Бизнингча, Шайх ал-Калободий бу ўринда бир оз эҳтиёткорликни маъқул топган. Зоро, “Аз-Захабий, ал-Аскalonий ва ас-Субукийнинг тарожим китоблари гувоҳлик беришича, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Хатм ул-валоят” (“Валийлик муҳри”) ва “Ила аш-шария” (“Шариатга”) асарлари нотўғри тушунилиши оқибатида у маълум муддатга Термиздан чиқарилиб юборилган”⁶⁵. Бундан шундай тахмин қилиш мумкинки, Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг юқорида зикр этилган асарларида “валийларни набийлардан устун қўйиши” натижасида “расмий доираларнинг каршилигига учраган”⁶⁶лиги сабабли ҳам кейинги давр мутасаввифлари у ҳакда гапирмасликни маъқул санаганлар. Аммо бу ҳолатни кейинги даврларнинг барча мутасаввифларига нисбат бериб бўлмайди. Узоққа бормайлик, Шайх ал-Калободийнинг издоши, Бухоро тасаввуф мактабининг йирик вакилларидан бири – Мустамлий Бухорий ўзининг машҳур асари – “Шарҳ ат-таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф”да Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаёти билан боғлиқ фактларга алоҳида эътибор

қаратади⁶⁷. Бухоронинг кейинги даврдаги улуғ шайхлари – Хожа Баҳоуддин Нақшбанд⁶⁸ ва унинг иккинчи халифаси – Хожа Муҳаммад Порсонинг⁶⁹ Ҳаким ат-Термизийга бўлган катта ихлоси ва хусни таважжуҳи ҳам юқоридаги фикрни исботлади.

Шундай қилиб, тасаввуф таълимоти X асрга келиб турли диний-гоявий курашлар ва қонли ихтилофлар гирдобида қолган халифаликнинг чекка минтақаларидан бири ва шу билан бирга Сомонийлар сулоласининг ҳимояси остида илм-маърифатнинг ривожланишига катта имкониятларга эга бўла бошлаган Мовароуннахр, хусусан, унинг маркази Бухорода Имом Абу Ҳанифа бошлаб берган фикҳий мазҳабнинг ирфоний йўналишдаги ҳимоячиси ва давомчиси сифатида қайта шаклланиш ва янгича тарзда ҳаёт кечириш имкониятига эга бўлиб олган эди.

Бухородаги тасаввуфий фикрларнинг шаклланиши ва секин-аста ўзига хос тасаввуф мактаби даражасига кўтарилишида асос бўлиб хизмат қилган омилларни кўздан кечириб, қуйидаги хуносаларга келиш мумкин:

1. Бухорода шаклланган тасаввуф мактаби гарчи умумтасаввуф таълимотининг ажралмас қисми саналса-да, мазмун ва моҳият нуқтаи назаридан ихтилофларни бартараф этгувчи ва тасаввуфни шариат, тариқат ва илм оралиғида мўътадил ҳолда саклагувчи ўзига хос мактаб эди;

2. Бухоро тасаввуф мактаби Имом Абу Ҳанифа фикҳий мазҳаби ва Имом Мотуридий калом мактабининг содик

⁶³ Имом Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад Мустамлий Бухорий. Шарҳ ат-таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф. – Техрон: “Интэшорот-э Асотир”, 1363-1366, 139, 236-237 б.; Бу ҳакда қаранг: Жаъфар Холмўминов. Имом Абу Иброҳим Исмоил Мустамлий Бухорий рожеъ ба Ҳакими Тирмизий. / “Овози тожик”, 1994 йил 16 февраль, 4 б.

⁶⁴ Макомоти Хожа Накшбанд (“Баҳоуддини Балогардон”). – Т.: “Ёзувчи”, 1993, 32 б.

⁶⁵ Хожа Муҳаммад Порсо. Фасл ул-хитоб. Бо муқаддима ва тасхеху таълиқи Жалил Мисгарнажод. – Техрон: Марказ-э нашр-э донэшгоҳи, 1381, 57 б.

⁶⁶ Ўша манба, ўша бет.

⁶⁷ Карапади: Шайх ал-Калободий. Тасаввуф сарчашмаси. Ат-Таъарруф – тасаввуфи таништириш китоби. 22–24 б.

⁶⁸ Карапади: Ўша китоб, 23 б.

⁶⁹ Усманов. И. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Наводир ул-усул” асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба. 52 б.

⁶⁶ Ўша манба, ўша бет.

издоши ва ҳимоячиси бўлиб майдонга чиққанлиги тасаввуф таълимотининг бундан кейинги тараққиёт босқичлари ва йўналишларига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатди. Айниқса, тасаввуфнинг Мовароуннахр ва Хурросон халқлари учун ёт бўлган диний-ғоявий оқимлар – мўътазилия, рофизия ва ҳулулия таъсири остида қолиб кетиш хавфидан халос этди.

3. Бухоро тасаввуф мактаби Бухордаги мавжуд фикҳ, ҳадис ва зоҳидлик мактаблари, Самарқанддаги фикҳ ва қалом мактаблари, Термиз ва Балҳдаги ҳадис ва илмий-назарий тасаввуф мактаблари очиб берган имкониятлардан тўғри ва самарали фойдаланиб, фикҳ, ҳадис ва қалом илмларини ўзида мужассамлаштира олган мактаб сифатида нафақат Мовароуннахр, балки бутун ислом оламининг диний-ақидавий ҳаётига кучли таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлди.

РЕЗЮМЕ

Статья включает в себя информацию о школах суфизма и религиозно-светских науках и их развитие в Бухаре VIII-IX веках.

RESUME

The article is enclosed with the information about the schools of Sufism and religious and social education and their development in Bukhara during VIII-IX.

МУҲАММАД РАҲИМХОН II – ФЕРУЗНИНГ ШОИРЛИК ФАОЛИЯТИ

Сапарбоева Ш. - УрДУ, тарих йўналиши магистранти

XVIII – XIX асрнинг иккинчи ярмида Хива ҳонлигига адабиёт ва санъат юксак даражада ривож топди. Бунда маданият ва санъат ҳомийси Муҳаммад Раҳимхон II Ферузнинг хизматлари бекиёсdir. Ҳонликда адабиёт, санъат, тарихнавислик, таржима

мактаби, ҳаттотлик, китобат санъати билан бир қаторда маданий меъморий қурилиш ҳам ўзига хос тартибда даражадалиги, хоннинг ўзи ҳам шеърият ихлосманди бўлганилиги Оғаҳий, Баёний, Бобожон Тарроҳ, Комёб асарларида, шунингдек рус шарқшуносларининг асарларида ҳам келтирилиб ўтилган. Муҳаммадюсуф Баёний «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарида Ферузнинг шеъриятга бўлган муҳаббатини шундай тасвирлайди: «Хон ҳазратлари шеърга кўп завқ пайдо қилиб эрдилар. Ўзлари ҳам бурундин «Феруз» тахаллуси билан мутахаллис бўлуб, шеър айтур эрдилар. Сўнгроқ шеърга кўпроқ ҳарис бўлдилар. Ҳар кишининг шеър айтмоққа сахл қобилияти бўлса, навъи шеърларини айтиб, даргоҳи олийга олиб бора бердилар. Шоирларнинг ададлари камбеш қирққа ёвук борди»⁷⁰. Муҳаммад Раҳимхон II Феруз отаси Сайд Муҳаммадхон сингари ҳар ҳафтанинг икки куни саройда шоирлар мушоираси, китобхонлик кечалари ўтказиб боришни ўзига одат қилиб олган.⁷¹ У Комил, Мирзо каби шоирларга эргашиб ғазаллар машқ эта бошлайди. Унинг ғазалларини кўрган Комил ҳонга «Феруз» тахаллусини таклиф этади. Феруз саройида шеърий мусобақалар, мақом оқшомлари ўтказиш анъана тусига кирган эди⁷².

Бобожон Тарроҳ – Ходим ўзининг «Хоразм навозандалари» асарида XIX аср охири XX аср бошларида Хоразм адабий мұхитида яшаб ижод этган ва кўпчилиги бугунга қадар китобхонларга номаълум бўлган шоирлар, Феруз ва унинг фаолияти ўша давр адабий-ижтимоий ҳаёти тўғрисида маълумот беради. Асарда хон ҳимоясида бўлган Хива сарой шоирлари билан бўлган шеърият кечаларида Ферузнинг шахсан ўзи мушоирада бошловчилик вазифасини бажариб, янги ёзган ғазалларини ўқиб,

⁷⁰ Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Мерос. – Т.: Камалак. 1991, 255 б.

⁷¹ Давлатёр Раҳим., Шихназар Матрасул. Феруз шоҳ ва шоир қисмати.. 61 б.

⁷² Ўша жойда. 57 б.

сарой шоирлариға ана шу янги ёзилган ғазалга пайров тариқасида ғазаллар битишга чорлаганлиги баён этилади.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Хоразмда адабиёт, санъат, маданият ривожи ҳамда шу давр ижтимоий муҳити ҳақида маълумот берувчи Хива сарой шоирлариға бош бўлган Бобоҷон Тарроҳ Азизов – Ходимнинг «Хоразм навозандалари»⁷³ (асарда Хива адабий муҳитида фаолият кўрсатган 31 нафар шоир ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар берилади) асаридаги маълумотлар хам муҳимдир. Ҳасанмурод қори Муҳаммадамин ўғли Лаффасийнинг «Хива шоир ва адабиётчиларининг таржими ҳоллари» (асар Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II Феруз девонхонасида хизмат қилган ва айни вақтда хоннинг топшириғига биноан кўплаб асарларни араб ва форс тилларидан ўзбек тилига таржима қилган Хива адабий муҳитининг забардаст ижодкорларидан 51 нафар шоир ва таржимонларнинг ижодий фаолияти ва шу давр ижтимоий муҳити тўғрисида маълумот беради)⁷⁴ тазкирасида Феруз ва унинг адабий маданий даврасини қуидагича тасвирлайди: «Ўзига Феруз тахаллуси билан бир ранг ғазаллару мухаммаслар ёзиб хейлигина адабиётда машғулот ҳосил қиласур. Шунинг билан Феруз мусиқага ҳам ҳаваскор бўлиб ҳамма вақтлар хизматида беш-үн мусиқашунослар доимий танбур ғиччаклар машқ этиб, ширин, фараҳавзо ашъорлар айтишиб ултурадурлар. Шул сабабли Ферузнинг табъига мувоғик Ферузга қўшимча пайровона ғазал, мухаммас, мусаддас ва ҳажвиётлар ёзиб турадурлар. Доимо Ферузнинг хизматида ўттиз – қирқ нафар шоир ва адабиёт суювчилар бўлиб, алардин баъзилари доимий котиблиф қилиб ҳар ранг

китобларни ёзиб таржима этиб турадурлар»⁷⁵ - деб ёзади.

Аҳмаджон Табибийнинг «Мажмуаи ўттиз шуаро шохий пайравий Феруз» (асарда Феруз давридаги адабий ижтимоий муҳитда фаолият кўрсатган 33 нафар шоир тўғрисида қимматли маълумотлар берилб ўтилади) асари хонлик адабий муҳити бўйича асосий манбалар саналади. Бу асарларда XIX аср охири – XX аср бошларида хонликнинг адабий ижтимоий муҳити ва Муҳаммад Раҳимхон II Ферузнинг адабиёт ва санъат ихлосмандлари га кўрсатган эътибори ва шеъриятга иштиёқмандлиги ёритилган. Муҳаммад Раҳимхон II Феруз саройида кўплаб шоирлар, тарихчилар, санъаткорлар ижод қилгани ҳақида 1908 йилда Хивага келган А.Н.Самойлович шундай ёзади: «Шоирлар орасида хон оиласи вакиллари ҳам бўлиб, сарой амалдори Каримдор ясовулбоши, Юсуфбек, Урганч шаҳар ҳокими Шайх Назарбой ва бошқа кишилар бор эди»⁷⁶.

Муҳаммад Раҳимхон II Феруз даврида хонликда илмий адабий мерос яратилди. Аммо, 1873 йил Хива хонлиги Россия империяси томонидан эгаллангач, хонликка нисбатан мустамлакачилик сиёсати бошланди. Бу маънавий- маданий ҳаётни ҳам четлаб ўтмади. Хива хонлиги зabit этилгач, талон-тарож ниҳоят даражада ортди. Бу ҳақда Баёний шундай ёзади: «Галавачоғ ҳазинани очдуруб ҳазинага кирди, бир сандали (тахт) бор эди. Галавачоғ кўруб деди: «Бу имфератур саройида туратурғон шоҳи сандалиларга ўхшацур. Ҳамоноким, имфературдин ҳадя тариқасида бу ерга келгандур». Яна музайян бир сандаликим, Муҳаммад Раҳим Баҳодирхони аввалиннинг замонларида тузатилмиш (ясалмиш) эрди. Яна бир неча темур орча кўрдилар. Ҳаммалари холи эрди. Магар, бирининг ичи тўла танга эрди. Яна бир уйда уч юз мужаллад

⁷³ Бобоҷон Тарроҳ. Хоразм навозандалари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994, 91-92 б.

⁷⁴ Хоразмда битилган кўлёзмалар. – Т., 1997, 68 б.

⁷⁵ Лаффасий Ҳасанмурод қори. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржими ҳоллари // Кўлёзма. ЎзФА ШИ. – № 9494. 11-13 б.

⁷⁶ Самойлович А.Н. архиви Ф-671.д. 145. 28-варак.

(жилддан иборат) ёзма музайян китоблар бор эрди ва чоройнаву совутлар ва дубулғалару қуллуқу тизлику ўқ-еъларнинг ҳаммасига мутасариф (талонторож) бўлди, чун ҳаммаси мурассасъ (қимматбаҳо тошлар билан безатилган) ва мужавхар (жавоҳир қадалган) ва баҳодор нимарсалар эрди, Петербургга юборилди»⁷⁷.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, асрлар оша яратилган бебаҳо ўлмас асарларга номаданий муносабатда бўлинди. Тарих силсиларидан ўтиб бизгача етиб келган хонликда яратилган адабий–тариҳий асарларнинг қолган қисми ҳозирда Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

РЕЗЮМЕ

Автором изучены и представлены многие научные факты, которые имеют отношение к вопросам поэтического мастерства Мухаммада Рахимхана II Феруза, который организовывал поэтические вечера на регулярной основе, где прослушивались и новые поэтические произведения.

RESUME

The author studied and presented many scientific facts which are related to the questions of the poetic skills of Muhammad Rakimhan II Feruz, who organized the poetic nights on regular basis where new pieces of poetic works were listened.

ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА МАЊНАВИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ

Қурбонова Д.- ЎзМУ

Қадимги Турону Эроннинг, бу элларда эл бўлиб азалдан яшаб келаётган ўзбек, тожик ва бошқа халқларнинг муштарак мањнавий мероси бўлган муқаддас “Авесто” китобининг яратилган

вақти уч минг йилдан нари узоқ ўтмишга тақалади. Ушбу манба тўғрисида Президентимиз И. А. Каримов: “Авесто ўзбек, умуман Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг қадимги даврдаги ижтимоий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, мањнавияти, маданиятини кўрсатувчи муҳим ва ягона манба. Бу нодир китоб бундан 30 аср муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган. Мана шу ҳудудда умр гузоронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган мањнавий тарихий асари”⁷⁸, деган эди.

Хоразм тарихини, мањнавий ҳаётини ўрганишда айнан “Авесто” бизга бирламчи манба бўлиб хизмат қиласди. “Авесто” ўлкамизда исломга қадар амал қилган зардустийлик динининг муқаддас китобидир. Ушбу китоб узоқ аждодларимизнинг ижтимоий ҳаёти, мањнавий дунёси ҳақида ноёб мањлумотларни ўзида мужассам этган тарихий ёзма манбадир. Зардустийлик дини эса тарихда биринчи илоҳий ваҳий оркали келган, деб хисобланади. Зардустийлик тарихининг ёзма манбаларида айтилишича, худо Ахура Мазда ўзининг яратувчи, ҳолик, яккаюягона худо эканини имонли зот Заратуштра билдириб, уни пайғамбар этиб одамлар орасидан танлаган. Заратуштра аслида қадимда Даитий-Амударё бўйларида яшаган Спитама уруғидан бўлиб, унинг уруғидагилар бошқа худолар қатори Ахура Маздага ҳам эътиқод қилишган. Биргина Заратуштра улар орасида бошқа худоларга ишончсиз бўлган. Ахура Маздани эса ўзи учун чин худо деб билган. Унинг имон-эътиқоди қалб кўзи очила боргани сари Ахура Маздадан ўзга мањбуллардан воз кечади. Нихоят, Заратуштра Ахура Мазданинг назарига тушиб, унинг пайғоми (хуш хабари) ни ўз

⁷⁷ Баёний. Шажараи Хоразмшохий. 53 б.

⁷⁸ Каримов И.А. Адолатли жамият сари.Т., 1998 й., 39-40 б.

уруғи орасида одамларга билдиришга илохий ваколат олади.⁷⁹

Аммо жаҳолат даври одамлари унинг сўзларига ишонмайдилар. Заратуштра ўз юртини ташлаб кетишига, хижрат қилишга мажбур бўлади. У ўз динини 10 йилдан ортиқ тарғиб қиласди. Аммо тарафдорлар топиши қийин бўлади. Ниҳоят, ўзга юртда-Бақтрияда унинг ҳокими Виштаспага, малика Хутаосияга ва сарой аъёнларига Мазда дини моҳиятини тушунтиришга эришади.⁸⁰

Оташпарастлик пайдо бўлиб, энди тарқала бошлаган пайтларда бу динга эътиқод қўйган одамлар ёруғ осмон остида, баланд тоғлар ва адирларда, дарё бўйи, ҳовузлар, кўллар ёқаси, ўчоқлар ёнида ибодат қилишган. Кейинчалик уларнинг таълимоти Марказий Осиёдаги йирик-йирик давлатлар, жумладан, Парфия подшолари, аршакидлар, сосонийлар империяси даврида расмий динга айланиб, муҳташам ибодатхоналарга эга бўлган, уларнинг ичида ҳайкаллар билан безатилган, руҳонийлар сони эса кўпайиб борган. Ана шу даврга хос ашё ва далиллар Ўзбекистонда археологик қазиш ишларини олиб борган В. М. Массон, С. П. Толстов, Г. А. Пугаченкова, Э. В. Ртвеладзе, А. С. Сагдуллаев ва бошқа олимларнинг топилмаларида ўз ифодасини топган.

Тарихий манбалар шундан далолат берадики, зардуштийлик дини ўз даврида жуда кенг тарқалган ва буддизм, иудаизм, насронийлик ҳамда ислом динларининг шаклланишига жуда катта таъсир кўрсатган. Бошқа дин ва таълимотларнинг тазиики натижасида даставвал зардуштийликнинг ёзма ҳолда тарқалишига рухсат берилмаган ва кейинчалик паҳлавий хати замонидагина “Авесто” ёзма ҳолатга келтирилган.

Зардуштийлик дини пайдо бўлган замин ҳақидаги баҳс узоқ асрлардан буён давом этиб келмоқда. Ғарб олимларидан

⁷⁹ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб.-Т.: “Фан”.1964 й., 104 б.

⁸⁰ Исҳоков М. Авесто Яшт китоби.-Т.: Шарқ.2001й., 4 б.

А. Майе ва П. Тедескалар зардуштийликнинг ватани Парфия (ҳозирги Туркманистон) деган фаразни билдирадилар; Даристерер, Жексон зардуштийлик Атропатенда, Харцфельд эса Мидияда пайдо бўлган дейдилар; И. Маккорд, Б. А. Тўраев, Х. Нюберг, Э. Бенвенист, Е. Э. Бертельс “Авесто” ни шарқий Эрон билан боғлайдилар. Гайгер, Бартольд, Шпигель фикрига қараганда, зардуштийлик Бақтрияда пайдо бўлган; Э. Герцфельд ўзининг дастлабки археологик қазилмаларига биноан ҳамда В. В. Струве, В. Тревер, Ю. А. Рапопорт, С. Ф. Ольденбург, Н. Прохоров, М. Бойс, И. М. Дьяконов, В. В. Бартольд, В. М. Луконин, Б. И. Абдиев сингари олимларнинг фикрича зардуштийлик Туранзаминда (Хоразм, Бақтрия, Сўғдиёна, Фарғона) пайдо бўлиб, сўнгра Эрон ва бошқа мамлакатларга тарқалган.

Зардуштийлик бўйича 4 томлик асар муаллифи Мэри Бойс оташпарастлик динининг муқаддас китоби “Авесто” қадимги Хоразм воҳасида пайдо бўлганлигини қайд этади.

Зардуштийлик таълимоти ва “Авесто” нинг Хоразмда пайдо бўлганлиги ҳақидаги фараз Б. Фофуров, Н. Маллаев, Ҳ. Ҳомидов, А. Қаюмов, Й. Жумабоев, М. Исҳоков, А. Саидов, М. Раҳмонов, Ф. Сулаймонова, И. Жабборов, Г. Дресвянская, Й. Ҳўжамуродов, А. Ирисов, М. Қодиров, Иброҳим Каримов, С. Ҳасановларнинг мақола ва тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган.

Зардуштийлик-дунёвий динлар орасида энг қадимгиси бўлиб, инсоният тарқиётига бевосита ва билvosita жуда катта таъсир кўрсатган. Шунинг учун уни ўрганиш, зардуштийлик ғояларини тадқиқ этиш инсоният маънавий дунёси шаклланиши ва равнақи ҳақидаги тасаввурларни бойитади ва кенгайтиради.

Зардуштийлик деган ном динга нисбатан шартли равища ўрта асрлардан бошлаб ишлатилади. Бу ҳол динни унинг пайғамбари номи билан аташдир. Аслида Зардушт дини Мазда Ясна деб аталган, яъни Маздага, “Мутлақ оқил” зотга сифиниш демакдир.

“Авесто” маздапарастлар динига мансуб барча адабиётларнинг умумий номи. “Авесто” сўзи қадимий маздапарастларнинг ўзигагина мансуб бўлиб, “А” артикули ва “виста” феълидан иборат. “Виста” сўзининг ўзаги “вид”, “ванд” бўлиб, маъноси “танимоқ”, “билимоқ”, “топилмоқ”, “кўринмоқ” кабидир. Ҳиндларнинг энг қадимий “Видо” китобининг номи билан илдизи бир. Шу маънода “Авесто” ни “Огоҳнома” ё “Донишнома” маъносida тушуниш мумкин⁸¹.

“Авесто” замонлар оша оғзаки тарзда авлоддан-авлодга узатилиб келган ва охири ҳазрати Исо алайҳиссалом таваллудидан 7 аср чамаси илгари йигиб бир тизим ҳолига келтирилган ва ниҳоят китоб қилинган. Бу китоб асос эътибори билан Заратуштра ва Ахура Мазданинг савол-жавобларидан иборат дейиш мумкин. “Авесто” 21 қисмдан (наскдан) иборат бўлган. Шундан замонлар оша тўрт қисми ҳозиргача етиб келган: “Видевдот”, “Ясна”, “Виспарат”, “Яшт” насклари. Етиб келган қисмлар орасида “Видевдот” накси бутун -22 бобдан иборат. Қолган 3 наскнинг бир қатор боб ва бандлари сақланмаган.

Тарихдан маълумки, Александр Македонский Ўрта Осиёга юриш қилган даврда бу ерда юксак цивилизация мавжуд эди ва бу тараққиёт турли босқинлар оқибатида минг йилларга тўхтатиб кўйилганди. Абу Райхон Беруний ёзади: “Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида (Абистонинг) ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери Абисто ўттиз “наск” эди, мажусийлар қўлида ўн икки наск чамаси қолди. Биз Куръон бўлакларини ҳафтияк

деганимиздек, наск Абисто бўлакларидан ҳар бир бўлакнинг номидир.”⁸²

Тарихчи Масъудийнинг “Мурж аз-зихоб” (“Олтин водий”) китобида қайд этилишича, Александр Македонский Истахр шаҳрини босиб олиб, олимларига “Авесто” даги тиббиёт, фалсафа ва илми нужумга доир ўринларини таржима қилиб, қолган қисмини ёқиб юборишни буюрган. Масъудий маълумотида эса, “Авесто” матни 12 минг олтин таҳтага ёзилган.⁸³

Тарихчи Балхийнинг “Форснома” китобида “Авесто” 12 минг ошланган мол терисига битилган ҳикматлар китоби эканлиги қайд этилади. Абу Али Мұҳаммад бин Мұҳаммад Балъамийнинг “Тарихи Балъамий” китобида ҳам “Авесто” шоҳ Гуштасп фармони билан 12 минг мол терисига подшоҳ мирзолари томонидан тилло сувида ёзилганлиги ҳақида ривоятлар бор⁸⁴.

Кўп қисмлари йўқолиб кетганлигига қарамай, сақланган қисмларининг ўзиёқ “Авесто” нинг энциклопедик улуғворлигини, тарихий манба сифатида юксак қимматини, маънавий умумбашарий хусусиятларини тўла намойиш эта олади.

“Авесто” нинг ҳозирги бизга маълум бўлган энг қадимги, 1324 йили кўчирилган нусхаси Копенгаген шаҳрида сақланади. 1996 йили Эронда чоп этилган икки жилдли “Авесто” ҳам анча муқаммал нашр хисобланади. Тадқиқотчилар фикрига қараганда, сосонийлар давридан, “Авесто” нинг 21 китоби (наск) сақланиб қолган. У 348 бобдан ташкил топиб, 345700 сўздан иборат бўлган. Бу боблар тангрини мадҳ этиб, яхшилик ва нажот топишга бағишлиланган муножот тарзидаги нолалар, ҳамду-санолардан ташкил топган.

⁸² Набиев Р. Ўзбекистон халқларининг чет эл босқинчиларига қарши кураши.-Т.: Фан, 1942 й., 10-15 б.

⁸³ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб.-Т.: Ўзбекистон, 1997 й., 25 б.

⁸⁴ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 1994 й., 238-239 б.

⁸¹ Асқар Маҳкам. “Авесто” Тарихий-адабий ёдгорлик.-Т.: “Шарқ”. 2001 й., 380 б.

Оғзаки тарзда авлоддан-авлодга, замонлардан-замонларга ўтиб келган бу муножотлар худди тўкилган маржон доналарида қачонлардир, қаерлардадир йўқолган, камайиб борган. Натижада, сўнги даврларгача “Авесто” нинг тўртдан бир қисми (83000 сўздан иборат), алоҳида-алоҳида боблари, парчалари сақланиб қолган.

“Авесто” нинг ҳозиргача маълум бўлган нусхаларини олимлар 21 наскитоб (қисм) дан иборат демоқдалар. Улардан 7 китоби худолар, коинотнинг пайдо бўлиши ва инсоният тарихига доир; кейинги 7 та китоб ибодат масалалари дин дастурлари халқнинг яшаш тарзини ифода этади; охирги 7 китобда тиббиёт, астрономияга доир маълумотлар танланган.

Ҳар бир миллат тарихи ва қадриятларини билиш учун унинг инсоният бағрида қолдирган маънавий жавоҳирларини англамоқ учун унинг дини, тафаккур тарзи, бадиий-эстетик идеали ва руҳий кечинмаларини билмоқ зарур. Инсоният жамияти юксалган сари бу маънавий жавоҳирлар ҳам муштараклик, ҳам ўзига ҳослик қонуниятлари асосида тараққий этиб, миллат ва мамлакатнинг тарихий ўрни ва қадрини ҳам белгилаб келган. Ўз маданияти, тарихи ва тақдирни жуда узоқ замонларга бориб тақалувчи Ўрта Осиё халқлари, хусусан, ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданияти, бадиий-эстетик ва фалсафий тафаккурининг зардуштийлик дини билан боғланиши бежиз эмас.

РЕЗЮМЕ

В данной статье речь идёт о зарождении Зороастризма и его влиянии на нравственные устои общества.

RESUME

The given article consists of information about generation of Zoroastrism and its influences upon moral principles of society.

ИҚТИСОД

МИНТАҚАЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

ҚАЛАНДАРОВА Б.– УрДУ талабаси

Қарийб олти йилдан бери, жаҳон иқтисодиётида сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, ўтган 2012 йилда ҳам мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожланиши, аҳоли турмуш фаровонлигини ошиши таъминланди ва мамлакатимизнинг жаҳон бозоридаги позицияси мустаҳкамланди.

2012 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўялиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди. Шунингдек, мамлакатимиз экспорти ҳажми 11,6 фоизга ўсиб, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланди. Натижада экспортимиз таркибида хомашё бўлмаган тайёр маҳсулотларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этди. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 млн. доллардан ошди.

Юртбошимиз таъкидлаганлариdek, “...бугунги кунда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир шароитда, Ўзбекистонимиз четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёsat олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улушкини нисбатан паст даражада ушлаб қолишга ва ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обрў-эътиборини сақлаб қолишга эришди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзлари миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан

16,0 фоиздан ошмагани, бу кўрсаткич эса халқаро мезонлар бўйича “ўртачадан ҳам кам” даражада баҳолангани буни исботлаб бермоқда⁸⁵.

2012 йилда иқтисодиётимизга 11,7 миллиард АҚШ доллари микдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилиб, бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2,5 миллиард АҚШ доллардан ортигини хорижий инвестициялар ташкил этди. Уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўлгани ҳолда жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди. Шунингдек, факат ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 1,6 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция обьектлари қуриб битказилди.

Мамлакатимизда сўнгги беш йил мобайнида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан зиёдни ташкил этди ва бу дунёдаги юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири саналади. Кейинги 10 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ошган бўлса, шу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёд ўсгани эътиборга сазовордир.

Юқорида келтирилган ракамлар давлатимиз томонидан хорижий инвесторларга барча имкониятлар яратилганлиги, уларнинг сармоялари, мамлакатимиз худудида улар томонидан яратилган мулкнинг дахлсизлиги таъминланганлиги, яратилаётган имтиёз ва преференцияларни кенгайтириш ва

либераллаштириш бўйича олиб борилаётган чора тадбирлар натижасидир.

“Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунга кўра, қонунчилик нормалари–нинг ўзгартирилиши инвестициялаш шартшароитларини ёмонлаштиришга олиб келган тақдирда чет эллик инвесторларга нисбатан ўн йил мобайнида инвестиция киритилган санада амал қилган қонунчилик қўлланади. Шунингдек, давлат бошқаруви ёки ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини камсита–диган норматив хужжатлар қабул қилинган ёки унинг хўжалик фаолиятига гайриқонуний аралашишга йўл қўйилган тақдирда, буларнинг оқибатида етказилган зарар суд орқали мазкур органлар томонидан қопланади.

Мазкур қонунга мувофиқ, юртимизда чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторларнинг бошқа активлари халқаро ҳуқуқда қабул қилинган умумий ҳолатларни (масалан, табиий оғатлар, фалокатлар ва бошқаларни) мустасно этганда, национализация қилинмаслигига яна бир бор эътибор қаратиш ўринлидир.

Юрбошимиз таъкидлашларича “..биз мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун муҳим аҳамият касб этадиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш йўлида зарур бўлган барча ишлаб чиқариш инфратузилмаларини давлат маблағлари ҳисобидан таъминлаш принципини нафақат қабул қилдик, балки уни амалда жорий этмоқдамиз. Эндиликда, мамлакатимиз қиймати 50 млн. доллардан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган аниқ лойиҳаларнинг ўз муддатида амалга оширилишини таъминлайдиган инфратузилмани лойиҳа хужжатлари асосида ўз вақтида қуриш мажбуриятини ўз зиммасига олмоқда. Сурғил кони негизида Устюорт газ-кимё мажмуасини қуриш бўйича амалга оширилаётган лойиҳа бунинг яққол далилидир. Бу ерда умумий қиймати 212 млн. долларни ташкил этадиган ташқи

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси\| Халқ сўзи, 2013 йил, 19 январь, 1 бет.

муҳандислик инфратузилмасини барпо этишни давлат ўз зиммасига олган. “Навоий” эркин индустрисал-иқтисодий зонаси ва “Ангрен” маҳсус индустрисал зонасида яратилган шароитлар ҳам бунга мисол бўлиши мумкин”⁸⁶.

Ўтган йилда инқирозга қарши самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, қулай инвестиция муҳити шакллантирилиши ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида фуқароларни иш билан таъминлашни кенгайтириш учун шартшароитлар яратиш бўйича қабул қилинган дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида бутун мамлакатимизда бўлгани каби Хоразм вилоятида ҳам иқтисодий ўсишнинг юкори суръатлари таъминланмоқда.

Кейинги йилларда Хоразм вилоятида ҳам ялпи ҳудудий маҳсулот ва кичик бизнеснинг улушини ижобий ўсиш тенденциялари кузатилмоқда. Жумладан, иқтисодиётни таркибий ўзгартиришдаги амалий ишлар натижасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида хизматлар соҳасининг улуши кейинги беш йил ичидаги 33,0 фоиздан 47,4 фоизга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши эса 47,1 фоиздан 71,8 фоизга етди.

Худудий Инвестиция дастури доирасида жами 14,3 млн. АҚШ доллари, яни 5,4 млн. АҚШ доллар микдорида хорижий инвестициялар, 5,9 млн. АҚШ доллар микдорида корхоналарнинг ўз маблағлари ва 3 млн. АҚШ доллар микдорида маҳаллий кредитлар ўзлаштирилди.

Жумладан, Хонқа туманидаги “Жиласун Тошкент” хорижий корхонасига (туркиялик инвестор Осмон Жиласун) Германия ва Италияда ишлаб чиқарилган умумий қиймати 1,5 млн.

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси\| Халқ сўзи, 2013 йил, 19 январь, 1 бет.

АҚШ доллари микдорида инвестициялар жалб қилиниб, иилига 3 минг тонна пахта толасидан ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ташкил қилинди ҳамда 100 га яқин иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, Урганч шахридаги “Самхозшифер” МЧЖ 2,1 миллиард сўм, “Ишонч Ҳамкор импекс” МЧЖ 700 млн. сўм, Хонқа туманидаги “Асл мева” МЧЖ 216 млн. сўм, Ҳазорасп туманидаги “Ҳазорасп Бэкерэ” МЧЖ 300 млн. сўмлик инвестициялар жалб қилинди.

Давлат томонидан бу соҳани ривожлантириш учун катта имтиёз ва преференциялар берилб келинмоқда. Биргина мисол, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови 2005 йилда 13 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб 7 фоизни, тасдиқланган бюджет параметрларига асосан 2013 йилдан бошлаб эса 5 фоизни ташкил этди.

Мазкур имтиёзлар ва имкониятлар кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига хизмат қилиб келмоқда. Ўтган йил якунлари бўйича вилоятда 11394 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтиб фаолият олиб бормоқда. 2012 йилнинг ўзида 1810 та янги кичик бизнес субъектлари ташкил қилинди.

Ҳазорасп туманидаги “Паҳлавон Маҳмуд” фирмасида терини қайта ишлаш, Хива туманидаги “Баркамол Хива” хусусий корхонасида гилам маҳсулотлари, Янгиариқ туманидаги “Рустам” фермер хўжалигига ғишт, Урганч шахридаги “Ургенч-Меридо” хусусий корхонасида макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, аҳоли эҳтиёжи қондирилмоқда.

Республикамиз Президенти томонидан 2012 йил 22 ноябрида қабул қилинган “2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш Дастири тўғрисида”ги Қарори воҳада бу йўналишда олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштиришга ҳукуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Қарорга асосан вилоят иқтисодиётига 462 млн. АҚШ доллари микдорида

инвестициялар жалб қилиниши натижасида янги иш ўринлари яратилиши кутилмоқда. Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаша мақсадида тижорат банклари томонидан 120 млн. АҚШ долларлик 213 та лойиҳа амалга оширилиши ва янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Дастурда белгиланган лойиҳалар амалга оширилиши натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йилда 2012 йилга нисбатан 2,1 баробарга, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари 1,7 баробарга, қурилиш материаллари 4,4 баробарга, машина-созлик ва кимё саноати 7,3 баробарга, ноозиқ овқат товарлари ишлаб чиқариш 2,6 баробарга ўсиши таъминланади. Булар ўз навбатида кичик бизнес субъектлари фаолиятида катта ижобий ўзгаришлар ясашга, улар тайёрлаётган маҳсулотларнинг айримларини экспортга чиқаришга йўл очиб беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, республикамиз хукумати томонидан шахсан Президентимизнинг раҳнамо-лигига Хоразм вилоятини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш учун 1,571 трлн.сўм, бевосита вилоятнинг саноат салоҳиятини ошириш учун 1,2 трлн. сўм миқдорида инвестициялар ажратилиши кўзда тутилган. Мазкур маблағларнинг муваффақиятли ўзлаштирилиши натижасида Питнак шаҳрида Дамас автомобиллари ишлаб чиқарилиши, Хива туманида музлаткич ва совуткичлар ишлаб чиқарилиши, Урганч шаҳрида телевизор, Кўшкўпир туманида велосипед, Шовот туманида кўмир брикет ишлаб чиқарилиши, Урганч ва Хива туманларида янги меҳмонхоналарни ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, бу бир қатор экспортбоп товар ва хизматлар ишлаб чиқарилишини таъминлади.

Юқоридаги чора-тадбирлар ва мақсадли Давлат дастурларининг амалга оширилиши натижасида минтақанинг инвестиция муҳити янада яхшиланиб, кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳияти ҳамда Хоразм вилояти

аҳолисининг турмуш фаровонлиги ошади деб ўйлаймиз.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются особенности повышения экспортного потенциала субъектов малого бизнеса в результате улучшения инвестиционной и деловой среды в республике и в регионах.

RESUME

In this article the features of increasing export potential of small business by improving the investment and business environment in the country and region are discussed.

ФИЛОЛОГИЯ

САОДАТГА ЭЛТУВЧИ СЎЗ Исмоилов О. - Хоразм Маъмун академияси

Кўнгилга йўл топиш қийин иш. Кези келганда бу борада олтину жавохир ёинки зулм ва куч ожиз. Лекин, топиб айтилган бир оғиз яхши сўз дилни эрита олади, сехрлай билади. Асрлар ўтса ҳамки неча элларда, неча минг-минг дилларда ардоқ топаётган мумтоз адабиётимиз намояндалари асарлари бунга гувоҳ.

“Кишидин то қиёматғача боқи қолотурғон ёдгор ва фарзанди саодатосор яхши сўздурким, онга замон ҳаводисининг офати зарари асло етушмас ва даврон инқиlobининг ғубори асари ҳаргиз аҳволи бошиға тушмас. Алқисса, сўз мартабаси ниҳоятсиз баланд ва сўз аҳли ҳамиша азиз ва аржумандурлар”. Муҳаммад Ризо Оғаҳий қаламига мансуб ушбу сатрларни ўқиганимизда сўз туфайли боқийлик баҳтига мушарраф бўлган буюк бобокалонларимиз ва энг аввало, Алишер Навоий ҳазратлари сиймоси хаёлимизда жонланади. Бунинг бош боиси шубҳасиз, устозлари сингари Навоий бобомиз ҳам ўзлари таъкидлаганларидек, одамни бошқа жонзотлардан фарқлаб турадиган ва ҳар қандай гавҳардан ҳам аъло сўз қадрини баланд тутиб уни инсон камолоти ва баҳту-саодати кўзланган эзгулик аталмиш амалга чоғлагани ҳамда беназир иқтидор, ихлосу заҳматлари туфайли бу юмушни юксак даражада адо эта олганлигидандир.

Навоий асарлари ўз мазмун мохияти ила сизу бизни ҳаёт аталмиш бепоён йўлнинг пасту баландидан, яхши ёмонидан, файзли ва хатарли

бурилишларидан огоҳ этади, нурли манзиллари сари ундейди. Бир сўз билан айтганда мутафаккир шоир одам зотини комиллик даражасида кўришни орзу қилади. Кишиларни юксак эътиқодга, инсоф ва диёнатга,adolat, раҳм-шавқат, меҳр-оқибатга чорлайди. Бу ғояларни бевосита одоб-аҳлоқ мавзуига бағишиланган ҳамда бугунги кунда ҳалқ тилида ҳикматга айланиб кетган қитъалари, рубоийлари, фардларидан ташқари ишқ-муҳабbat йўналишидаги ғазалларида ҳам кузатиш мумкин. Уларда ҳам олийжаноб инсоний фазилатлар тараннум ва тарғиб этилган байтлар учрайдики, айни пайтда улар нафақат файласуф шоир донолиги балки, айни пайтда бадиий ифода жиҳатидан ижодкор бобомизнинг юксак маҳоратини ҳам яқол акс эттиради.

Ана шу маҳорат туфайли ишқ завқи, васл иштиёқи, айрилиқ азоби тасвиirlари жараёнидаги “қистириқ” байтлар орқали ижтимоий-сиёсий, аҳлоқий-маърифий қарашлар ҳам асосий мавзуга уйғун тарзда ифода этилганки, улар бамисли донишманд шоирнинг ҳаёт сабоқларига ўхшайди. Ўксик кўнгилни кўтариш вайрон бўлган Каъбани обод этиш билан баробар, дея уқтиради шоир. Бу борада албатта, сўз бирламчи ва ишончли восита.

Ошиқнинг маҳбубага мурожаат этиб “Кўйинг борида қилмон жаннатға гузар ҳаргиз” мисраси билан бошланувчи ғазал давомида шундай байт бор:

**Пил ўлса агар ҳасминг, десангки
зарар топмай,
Бир пашшага оламда еткурма
зарар ҳаргиз.**

Оlam аҳлини бир-бирови билан аҳил, дўст, ҳамкор бўлишга чорлаган шоир таъсирчан қиёслар, тимсоллар ва ташбехлар орқали озор кўришини истамасанг, аввало ўзинг бировга озор

етказма, ҳатто қудратинг филча бўлса-да, пашшага ҳам озор бермагил, дея огоҳлантиради. Ва яна бир газалда уқтирадики кўнгилни пок тут, тилни юмшоқ қил, камтарликни касб этгилки, ана шунда бало қазодан омондасан.

**Гар десанг қаттиқ балоға,
колмағайсен чархдин,
Оlam аҳли бирла юмшоғлиғ ила
қилғил маош.**

Зеро, бировга ёмонлик қилган киши ўзи ҳам ёмонлик кўрмай қолмайди яъни бировни ноҳақ йиғлатганинг ўзи ҳам йиғлайди.

**Кўзғама булбулни кўп, эй гулки,
даврон боғида,
Қолмамиш қўзғалмайин улким,
бировни қўзғамиш.**

Лирик назмдаги ошиқнинг суюкли маҳбубага – хусн шоҳига илтижо-ю ўтинглари аслида ошиқ ва адолатсевар Навоийнинг хукмдору мансабдорларга, давлатмандларга хитоблари янглиғ жаранглайди.

**Ком етурмак ғанимат англа
даврон аҳлиға,
Эй ғани, бу дамки коминг
бирладур даврон ҳануз**

Демак, давру давронинг, қўлда имконинг бор экан, эл-юртга нафинг тегсин, сендан яхшилик қолсин. Негаки, давр ўткинчи, даврон ғанимат. Эртанги ўкинч, афсус ва пушаймонликдан эса фойда йўқ.

**Шу дамни тут ғаниматким, келар
дамдан асар йўқтур,
Не дамки ўтди худ андин киши
топмас нишон ҳаргиз.**

**... Андоқ иш қилким пушаймон
бўлғайсенким эмас,
Хеч осиғ чун иш хато бўлди
пушаймонликда ҳайф.**

Сабаби - умр ўткинчи. Шоир наздида бировнинг оғирини енгил,

мушкулини осон этиш, муродига этишувида кўмак қўлини чўзиш-инсоний фазилат ва бу борадаги бир фурсатлик хайрли юмуш юз йиллик давру даврондан, тожу тахт соҳиблигидан аълороқдир.

**Кимса юз йил комронлиғ қилса
билим, арзимас,
Даҳр аро бир лаҳза бўлмоққа
биров коми била.**

Ҳаётий тажрибалар маҳсули сифатида билдирилган шоир фикрича сабр, инсоф, нафсини жиловлай билиш, айниқса, қаноат ҳар кишининг иззатли ва ҳурматли бўлишига сабаб. Тўғрилик, рост сўз ва ҳалоллик, садоқат эса ҳар кимсанинг хавфу хавотирдан эмин бўлишига, кўнгил хотиржамлигига заминдир. Бу борада ўқдин мисол ол, дея таъкидлайди шоир. Тўғрилигидан узоққа боради. Ёй эса эгрилигидан қўл оёғи чандилган, тузоққа тушган.

**Туз бўл ўқдек гар тиласан авж,
ёқим эгритур-
Давр ҳар гўшадин бўғзига
солибтур кериш.**

“Лирик чекиниш” деган ибора бор. Навоий ҳазратлари таъбир жоиз бўлса, юқоридаги сингари лирикадаги “Ижтимоий сиёсий чекиниш” лари орқали, сўз қудрати воситасида кишиларни энг яхши инсоний фазилатлар эгаси бўлишига даъват этади. Ҳеч шубҳасиз бу даъват кишилик жамиятини соғломлаштиришга, маънавиятининг юксалишига то абад хизмат қилаверади.

РЕЗЮМЕ

В этой статье приведены сведения творчественном величие слов Мухаммеда Риза Агахи.

RESUME

This article is about the power of the word in the works of Muhammad Rizo Ogahiy.

“ХАТТОТЛИК – ҲАЁТИМ МАЗМУНИ!” ИЖОДИЙ КЎРГАЗМАСИ

Хоразм Маъмун академиясида 2012 йил 30 ноябрь куни “Кичик академия” аъзоси, ёш хаттот Заргарова Нафисанинг “Хаттотлик – ҳаётим мазмуни!” мавзусидаги ижодий кўргазмаси бўлиб ўтди. Ижодий кўргазма Хоразм Маъмун академияси қайта ташкил этилганлининг 15 йиллигига бағишиланди.

Кўргазма мастер класс ва илмий анжуман шаклида ўтказилиб, унда соҳа мутахассислари билан бирга ёш хаттотлар ҳам иштирок этдилар. Академия фойесида кўргазма ташкил этилди ва Н.Заргарова хаттотлик бўйича ёшларга маҳорат дарси ўтди.

Илмий анжуманни Хоразм Маъмун академияси илмий ишлар бўйича раис муовини Ш.Қодиров кириш сўзи билан очди. Хива “Ичон қалъа” музей-кўриқхонаси илмий котиби т.ф.н. К.Худойберганов “Хивада хаттотлик санъати. Ёш хаттот ижодига бир назар”, Хоразм Маъмун академияси катта илмий ходими т.ф.н. А.Абдурасулов “Хоразм Маъмун академиясида устоз-шогирдлик анъанаси” ва Хоразм Маъмун академияси катта илмий ходими, санъатшунос М.Абдуллаев “Хоразм амалий санъатида хаттотлик” мавзуларида маъруза килдилар. Айниқса, К.Худойбергановнинг маърузаси кўпчиликда қизиқиши уйғотди. Сўнгра Н.Заргарова “Аждодларга муносаб ворис бўлишга интиlamан” мавзусида маъруза қилди.

Муҳокамада Ўз БА академиги Ботир Болтаев, каттабоғлик кулол Олланазар Собиров ва Хоразм Маъмун академияси АРМ мудираси Райхон Зариповалар сўзга чиқиб, ёш хаттот фаолияти ҳақида илиқ фикрларни билдирадилар.

Шу ўринда ёш хаттот фаолияти ҳақида икки оғиз сўз: Заргарова Нафиса 1996 йил 8 июлда Самарқанд шаҳрида туғилган. У 2005 йилдан Хоразм Маъмун академияси қошидаги “Кичик академия” нинг фаол аъзоси хисобланади.

Н.Заргарова “Парвин рақам” халқаро совриндори, моҳир хаттот Ҳабибулло Солих, хаттот Нуриддин Жалолов, шоир ва шарқшунос Матназар Абдулҳаким, катта илмий ходим Аҳмаджон Мағфурий, кичик илмий ходим Жасурбек Полвоновлардан араб ёзуви, уларнинг турлари ва ёзувларни қўллаш, хаттотлик, сўзларнинг маънолари бўйича таҳсил олган.

Унинг “Хоразм меъморий обидаларидағи хаттотлик намуналари” рисоласи ва “Хоразм Маъмун академиясининг нодир қўллётмалари” каталоги нашр қилинган. 2009 йилда Хоразм Маъмун академияси қошида хаттотлик бўйича “устоз-шогирд” тўғарагини ташкил қилган. ЎзР Бадиий Академияси ташабbusи билан 2011 йил 21-25 апрел кунлари “Тасвирий санъат ҳафталаги+5” мавзусида ўтказилган танловда 1-даражали диплом ва сертификат билан тақдирланган. 2012 йилда “Миср маданият марказида” ёш хаттотлар ишига оид ўтказилган танловда 1-даражали диплом билан тақдирланган.

Н.Заргарова “Ичон қалъа меъморий обидалари бўйича маълумотлар базаси” мавзусидаги №0094 гувоҳноманинг муаллифи, шунингдек, “Келажак овози” кўрик танловининг “Амалий санъат” йўналиши бўйича вилоят босқичининг голиби хисобланади.

Илмий анжуман якунида Н.Заргарова хаттотлик санъатини давом эттираётгани учун Хоразм Маъмун академияси маъмуриятининг ташаккурномаси билан тақдирланди.

Абдуллаев М. тайёрлади.